Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 1 февраль 1970 йил, якшанба ◆ № 26 (14.492). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КАРКИДОН ТЕКИНГА ИШЛАМОҚДА

Каркидон сув омбори — Ўзбекистондаги энг тежамли сунъий денгизлардан биридир. У олти йил ишлаб келтирган наф сув омборини қуришга ва унга сув берувчи 26 километрли канални қазишга кетган ҳамма чиқимларнинг ўрнини қоплаб юборди. Гидротехник инженерларнинг қатъий қоидасига биноан, ўзини ўн йил ичида оқлайдиган об-ҳаёт омбори тежамли, деб ҳисобланади.

Шу йилдан бошлаб Каркидон чиқимсиз ишлайди. Ҳозир унда юз миллион кубометр сув тўпланиб турибди, ирригаторларнинг қатъий ҳисобларига қараганда, кўкламгача унда икки юз миллион кубометрдан ортиқ сув тўпланади. (ЎзТАГ).

«ЮЛДУЗ»НИНГ — ЮЛДУЗЛАРИ

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг тикувчилари моторист Маҳмуза Шариповани чин юрақдан табрикладилар. У корхонада ўз зиммасидаги шахсий беш йиллик планини бажарган мингинчи ишчи бўлди.

Фирмадаги бичувчилик цехининг қирқувчиси Полина Новосельцева вақтдан ўзиб ишлаётганларга пешқадамлик қилмоқда. Унинг меҳнат календарида 1973 йилнинг марти бошланди. Полина лентали машинасида ишлашни ўзи билан бир бригадада меҳнат қилаётган эридан ўрганган. Уларнинг иккови деталларни қирқишда тўрт қирқувчининг ишини қилмоқда.

Тошкент «Юлдуз» фирмасининг коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига катта мажбурият олган. Беш йиллик топшириғини 7 ноябргача бажаришга ва мамлакатга пландан ташқари камида тўрт миллион сўмлик маҳсулот беришга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

УЛКАН РЕЖАЛАР

Улуғ Ватанимиз 1970 йилга қадам қўйди. Бу — Совет давлати тарихида алоҳида йил — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги, Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги нишонланадиган йил, саккизинчи беш йиллик план якунланадиган йилдир.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорларидан руҳланган совет халқи бу йилни меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга — Ильич юбилейини муносиб кутиб олишга астойдил бел боғлаганлигини амалда исботламоқда.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган қувончли якунлар ана шундан далолат беради. Бу якунлар КПСС XXIII съездининг саккизинчи беш йиллик планига доир Директивалари рўёбга чиқарилаётганлигини кўрсатади.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Республиканинг индустриал қудрати ўсмоқда, қишлоқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йилликнинг тўрт йили ичида республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 24 процент, маҳсулотнинг қўпгина турларини ишлаб чиқариш эса бир ярим — икки баравар кўпайди.

Қишлоқ меҳнатчилари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар Ватанга 16 миллион тонна пахта бердилар. Бу эса план бўйича ана шу турт йил учун мўлжалланганидан анча кўпдир. Қишлоқ меҳнатчилари обҳаво шароитлари оғир келишига қарамай бултур давлатга 3 миллион 862 минг тонна пахта топшердилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотнинг кўпгина турлари бўйича давлатга маҳсулот сотиш планини ошириб бажардилар.

Республика қурувчилари ва монтажчилари КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг мамлакатда капитал қурилиш ишини ҳар томовлама яхшилаш тўғрисидаги жуда катта аҳамиятлигига жавобан 1968 йилдагидан кўпроқ асосий фондларни ишга туширдилар, капитал маблағларни ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Олмалиқ аммофос заводи, Фарғона пойафзал фабрикаси, Тошкент трактор заводида янги қувватлар, саккизта пахта тозалаш заводи ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа бир қанча корхона ва цехлар ишга туширилди, қирқ минг гектардан кўпроқ янги ер ўзлаштирилди.

Республика меҳнаткашлари бир ярим миллион квадрат метрдан ортиқ шинам уй-жой, кўп миқдорда мактаб, болалар муассасалари, даволаш ва бошқа маданий-маиший муассасалар олдилар.

Шу билан бирга республика қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг 1969 йилдаги иш якунлари шуни кўрсатиб турибдики, республикамиздаги капитал қурилиш ишида мавжуд бўлган катта-катта резервлар ҳали ҳам халқ хўжалигига хизмат қилдирилмаётир. Улардан тўлиқ фойдаланиш қурилиш ишларининг ҳажмини кўпайтириш ва суръатларини янада тезлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1970 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан олдин, 27 декабрга бажарамиз;

22 апрелгача 386 минг квадрат метр уй-жой, 3198 ўринли мактаб, 3250 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 220 ўринли касалхона биноларини муддатидан олдин фойдаланишга топширамиз;

қурилишда меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,3 процент оширамиз;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини планда белгиланганидан 0,2 процент камайтирамиз, йилига 12 миллион сўм шартли тежам берадиган рационализаторлик таклифларини жорий этамиз;

комплекс механизация даражасини: ер қазиш ишларида планда белгиланганидан 0,6 процент, бетон ишларида 0,7 процент, қоришма тайёрлашда 4 процент оширамиз;

12 минг тонна цемент, 5 минг тонна металл, 6 минг кубометр тахта, 10 миллион дона пишиқ ғиштни тежаб қоламиз;

бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарида капитал маблағ сарфлаш йиллик планини 20 декабргача бажарамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар ҳар бир қурилиш ва монтаж ташкилотида, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг ҳар бир корхонасида, ҳар бир лойиҳалаш институтида олинган конкрет мажбуриятлар асосида қабул қилинмоқда. Шу жумладан:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ

1. Қурилиш-монтаж пудрат ишлари йиллик планини муддатидан олдин, 25 декабргача бажарамиз.

2. 22 апрелгача тўрт ойлик плани бажарамиз ва 180 минг квадрат метр уй-жой, 1600 ўринли умумий таълим мактаблари, 120 ўринли касалхона, 1680 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ва 1000 ўринли ҳунар-техника билим юртлари биноларини, шунингдек, Поп даги заводнинг мастика — изол цехини, Чиноз қум-шағал карерини, Самарқанд шаҳридаги лифтсозлик заводида ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда Қўқон ва Фарғонадаги элеваторларни ишга туширамиз.

3. Жами саҳни 812 минг квадрат метр бўлган, яъни белгиланган йиллик пландагидан 5 минг квадрат метр кўп уй-жой биноларини фойдаланишга топширамиз. Янги ўқув йили бошлангунга қадар 15,2 минг ўринли мактаб биноларини ишга туширамиз.

4. 1360 ўринли касалхона биноларини муддатидан 2 ҳафта олдин, 5460 ўринли мактабгача тарбия муассасаларини, Самарқанддаги юбилей объектлари (чинни заводи, холодильниклар заводи, Афросиёбдаги музейни), Ангор пахта заводини ва йилига 25 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи Қарши ғишт заводини ҳамда Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатини, Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги рух заводининг биринчи навбатини июнь ойида ва иккинчи навбатини сентябрь ойида, Чирчиқ электрохимия комбинатидаги аммиак ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватларни — II кварталда, Косон пахта заводини май ойида, Фарғонадаги фуранли бирикмалар заводининг фурфурол ишлаб чиқарувчи қувватларини I кварталда, Фарғонадаги химиявий тола заводининг ацитат ипак ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватларини, Шарғун ғишт заводидаги деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи қувватларни (унинг биринчи навбатини — I кварталда, иккинчи навбатини II кварталда). Бухоро ғишт заводларидаги ва Қўқон деворбоп материаллари комбинатидаги қувватларни муддатидан икки ҳафта илгари, Самарқанд лифтсозлик заводидаги қувватларни ноябрь ойида ишга туширишни таъминлаймиз.

5. «Ўзбекгидроэнергострой» трести билан биргаликда Оҳангарон дарёси ўзанини четга буриб юбориш ишларини 25 декабргача тамомлашни таъминлаймиз.

6. Қурилиш индустрияси базасини ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга ажратилган ўз капитал маблағларимиз планларини муддатидан олдин — 5 декабргача бажаришни таъминлаймиз.

7. Министрлик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини 28 декабрга бажарамиз.

8. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни 0,1 процент, қурилиш таннархини камайтириш топшириқларини 0,2 процент ва (ҳар бир сўмлик товар маҳсулотга қиладиган чиқимларни камайтириш топшириқларини 2,0 процент ошириб бажарамиз.

9. Ер қазиш ишларини комплекс механизациялашни 97,3 процентга, қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш ишини комплекс механизациялашни 99 процентга, бетон тайёрлаш ишларини комплекс механизациялашни 85 процентга, қоришма тайёрлашни комплекс механизациялашни 78,5 процентга, шу жумладан автомат усулда қоришма тайёрлашни — бетон қоришма тайёрлашда 39,6 процентга ва қоришма тайёрлашда 5 процентга етказамиз; инерт материалларни ортиш-тушириш ишларини механизациялаш даражасини 99 процентга, цемент ортиш-туширишларини механизациялаш даражасини 80 процентга, суюқ ишларини механизациялаш даражасини 75 процентга, бўяш ишларини механизациялаш даражасини 81 процентга етказамиз.

10. Автомобиль транспорти билан юк ташиш йиллик планини 29 декабрга бажарамиз ва белгиланган пландан ташқари 185 минг тонна қурилиш юклари ташиб берамиз, белгиланган нормадан ташқари 2 процент ёнилғи — мойлаш материалларини тежаб қоламиз, темир йўл вагонининг юк ортиш-туширишвақтида ўртача бекор туришини 0,2 соат камайтирамиз, автопарқдан фойдаланиш коэффициентини 0,58 дан 0,61 га етказамиз.

11. Меҳнатни ташкил этиш, иш ҳақи ва техник нормалаш даражасини ошириш мақсадида комплекс бригадалар миқдорини 69 процентга етказамиз, қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи бригадалардан камида 325 тасини хўжалик ҳисобига ўтказамиз ва меҳнатга прогрессив — рағбатлантириш системасида ҳақ тўлаш — аккорд ва аккорд-мукофот системаси билан қамраб олишни 58 процентга етказамиз.

12. 2 минг тонна цемент, 270 тонна металл, 1500 кубометр тилинмаган ёғоч, 620 минг дона ғиштни тежаб қолишга эришамиз.

13. 8400 ишчига қурилиш касбларини ўргатамиз, 15 минг 200 кишининг малакасини оширамиз, ўзимизнинг уй-жой фондимизни 100 минг квадрат-метр миқдорида кўпайтирамиз, жумладан, камида 50 минг квадрат-метр жойни ўз материалларимиз ҳисобига қурамиз.

14. Йил мобайнида 4,5 миллион сўм иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифларини жорий этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

1. Қурилиш-монтаж пудрат ишлари йиллик планини муддатидан олдин 28 декабрга бажарамиз, пландан ташқари 1 миллион 740 минг сўмлик иш бажарамиз ва пландан ташқари 4 минг квадрат-метр уй-жой биноларини топширамиз.

2. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги объектларида тўрт ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини 22 апрелгача бажарамиз. Владимир Ильич Ленин юбилейигача 52 минг квадрат-метр уй-жойни ва 420 ўринли учта болалар боғчасини фойдаланишга топширамиз.

3. 10 минг товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикаларини, шу жумладан Тошкент паррандачилик фабрикасида 7 минг ва Бўстонлиқ фабрикасида 3 минг товуқ боқиладиган паррандахонани, 800 бош қорамол боқиладиган чорвачилик биноларини тасдиқланган пландан ташқари 25 декабргача ишга туширамиз ва Самарқанд областидаги Челек пахта заводини 7 ноябрда топширамиз.

4. Маиший хизмат ва озиқ-овқат саноатида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва объектларини ишга тушириш йиллик планини 20 декабрга бажарамиз.

5. 11868 ўринли умумий таълим мактабларини ишга тушириш тўққиз ойлик планини 1 сентябрга бажарамиз.

6. 3630 ўринли мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш йиллик планини 25 декабрга бажарамиз.

7. Ўз кучимиз билан бажариладиган капитал қурилиш йиллик планини 1 декабрга, тўрт ойлик плани 22 апрелга ва ўзимиз учун уй-жой қуриш йиллик планини 1 ноябрга бажарамиз.

8. Қурилиш сифатини яхшилаймиз: объектларнинг 80 процентини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширамиз.

9. Ер қазиш, монтаж ишлари ва инерт материаллар қазиб чиқариш ишларини комплекс механизациялаш топширигини 0,5 процент, юк ортиш-туширишишларини механизациялаш топширигини 0,2 процент, суюқ ва бўёқ ишларини механизациялаш топширигини 0,5 процент ошириб бажарамиз.

10. 10700 ишчини ишлаб чиқариш-техника таълимига жалб этамиз, шу жумладан 6300 кишига янги касб ўргатамиз, 800 инженер-техник ходим ва хизматчининг, 3600 ишчининг малакасини оширамиз.

11. Ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини реализация қилиш йиллик планини 28 декабрга бажариб, пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз.

12. Саноатда меҳнат унумдорлиги планини 0,5 процент ошириб бажарамиз. 1 сўмлик товар маҳсулотга қилинадиган чиқимни 1,5 процент камайтирамиз.

13. Юк ташиш йиллик планини 25 декабрга, тўрт ойлик плани эса 22 апрелга бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагидан 0,2 процент камайтирамиз; автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициентини 60,5 процентга етказамиз.

14. Илгига 650 минг сўм шартли, иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифларини, жумладан биринчи кварталда 200 минг сўм самара берадиган рационализаторлик таклифларни жорий этамиз.

15. Ишбай усулида хизмат қилувчи ишчиларнинг 43 процентгача бўлган қисмини аккорд ва аккорд-мукофот системаларига ўтказамиз, қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи икки участка ва 35 бригадани хўжалик ҳисобига ўтказамиз, комплекс ишчи бригадалар сонини 58 процентга етказамиз, қурилишдаги меҳнат унумдорлигини белгиланган топшириқдагига қараганда 0,3 процент оширамиз ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,19 процент камайтирамиз.

16. Бир йил ичида 527 тонна цемент, 154 тонна металл, 455 кубометр ёғоч-тахта, 1.300 минг дона пишиқ ғиштни тежаб қолишга эришамиз.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

1. 802 минг квадрат-метр ҳажмдаги уй-жой биноларини қуриш-монтаж қилиш ишлари ва фойдаланиш учун топшириш планини муддатидан олдин 28 декабрга бажарамиз; В. И. Ленин музейи филиалини 1- кварталда қуриб битказамиз, Тошкент политехника институтининг механика факультети, 100 ўринли «Таписовет» касалхонасини ва 840 ўринли учта мактабгача тарбия муассасасини қуриб битказамиз; ботиқ босма цехи қурилишини муддатидан икки ҳафта аввал тугаллаймиз.

2. 10 минг ўринли мактабларни 25 августгача ва ТошДУнинг асосий ўқув корпусини 1 сентябргача фойдаланишга топширамиз.

3. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини 28 декабрга бажарамиз.

4. Юк ташиш йиллик планини 25 декабрга бажарамиз.

5. Меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 0,2 процент ва қурилиш таннархини камайтириш топширигини 0,1 процент ошириб бажарамиз.

6. 8.300 кишига асосий касбларни ўргатамиз ва 6 минг кишининг малакасини оширамиз.

7. Қурилишдаги сермеҳнат ишларни: ер қазиш ишларининг 98,7 процентини, монтаж ишларининг 99,0 процентини ва бетон ишларининг 94,8 процентини комплекс механизациялашга эришамиз.

8. Янги техника соҳасида тўла йиғма уй-жой қурилишини жамики иш ҳажмининг 67 процентига етказамиз, иш ҳажми камида 50 миллион сўмлик бўлган объектларда тармоқ графигини жорий этамиз, «Жилстрой» трестида қурилишни бошқаришнинг автоматлашган системасини вужудга келтиришни тугаллаймиз.

9. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига камида 3,5 миллион сўм иқтисодий самара олишга эришамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин 25 декабрда бажарамиз.

2, Қурилиш-монтаж ишлари тўрт ойлик планини 22 апрелга бажарамиз.

3. Қуйидаги саноат комплекслари ва объектларини: Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги рух заводининг I ва II навбатларини, Чирчиқ электрохимия комбинатида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарувчи қувватларни, Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг пардозлаш фабрикасини, Тошкент гўшт комбинатининг Ўртаовул посёлкасидаги гўштни қайта ишлаш цехини, ботиқ босма цехини муддатидан икки ҳафта аввал ишга туширишни, ТошДУнинг асосий ўқув корпусини ишга туширишни таъминловчи монтаж ва махсус ишларни муддатидан олдин бажарамиз.

4. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш план топшириқларини 0,1 процент ва саноатда 0,2 процент ошириб бажарамиз.

5. Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти таннархини белгиланган топшириқдан ташқари 0,1 процент камайтиришни таъминлаймиз.

6. Тақдим этилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш йўли билан 2,5 миллион сўм ҳажмида тежам оламиз.

7. Техника тараққиётини янада ривожлантириш, илғор технологияни ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш ҳисобига:

а) диаметри 40 миллиметр бўлган пўлат қувурларни механизмлар ёрдамида марказлаштирилган усулда тайёрлаш даражасини 58 процентга етказамиз, металл конструкциялари ва қувурларни механизация усулида пайвандлаш даражасини 22 процент кўтарамиз;

б) Монтажни комплекс механизациялаш даражасини: темир-бетон конструкцияларни монтаж қилишда 99,1 процентга, пўлат конструкцияларни монтаж қилишда 95,4 процентга, технология ускуналарини монтаж қилишда 93,3 процентга, технология қувурларини монтаж қилишда 91,5 процентга етказамиз.

Йил мобаинида 440 минг сўмлик қора металлар прокати, пўлат қувурлар ва бошқа материалларни тежаб қоламиз.

8. 2200 кишига қурилиш-монтаж касбларини ўргатамиз, 2850 ишчи ва 550 инженер-техник ходимнинг малакасини оширамиз.

9. Меҳнатни ташкил этиш, иш ҳақи ва технологик нормалаш даражасини ошириш мақсадида: комплекс бригадалар миқдорини 80 процентга етказамиз ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив-рағбатлантириш системаси билан қамраб олишни 55 процентга етказамиз.

10. Ўз кучимиз билан бажариладиган қурилишда капитал-маблағ йиллик программасини 25 декабргача ўзлаштирамиз, жами саҳни 10 минг квадрат метр бўлган уй-жой биноларини қуриб битказиб, фойдаланишга топширилишини таъминлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ МИНИСТРЛИГИ

1. Пудрат ишлари ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабрда бажарамиз, тўрт ойлик плани 22 апрелда адо этамиз.

2. Ўз маблағларимиз ҳисобига 270 километр узунликдаги қопламаси такомиллаштирилган йўлларни муддатидан илгари, 5 декабрда қуриб битказиб, фойдаланишга топширамиз. Вобкент — Сўх автомобиль йўли 22 апрелда, Хўжакент — Сижоқ йўли 1 декабрда, Самарқанд айланма йўлининг биринчи навбати 1 сентябрда, Октов яйловига мол ҳайдаладиган йўл 7 ноябрда ва бошқа муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган йўллар ҳам белгиланган муддатларда қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади.

3. Янги техника ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига йилига 416 минг сўм даромад олинади.

4. Кўприклар ва автомобиль йўллари қурилишида бир йил мобайнида сарфланадиган цемент ва қораметаллар прокати миқдорининг 3 процентини тежаб қолишишга эришамиз.

5. Йўл қурилишида ва саноатда меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан 0,5 процент оширамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

1. Қурилиш-монтаж пудрат ишлари йиллик планини муддатидан олдин 25 декабрда бажарамиз. Белгиланган йиллик пландан ташқари 800 гектар янги ерни ва 20 километр бетонланган каналларни ишга туширамиз.

2. 22 апрелга қадар 50 та тик зовур қудуғини ишга туширib, 6 минг гектар ернинг мелиорация ҳолати яхшиланишини ва 14 минг гектар ер ўзлаштирилишини, 50 километр каналга бетон ётқизилишини таъминлаймиз.

3. Қуйидаги объектлар:

а) Андижон областидаги Экин-текин насос станциясини;

б) Оқдарё гидроузелидаги йиғма темир-бетон полигонини;

в) Қорақалпоғистон АССРдаги Каттағор темир-бетон буюмлари полигонини муддатидан олдин ишга туширамиз.

4. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 0,3 процент ортиғи билан бажарамиз.

5. Қурилиш-монтаж ишларининг таннархини планда белгиланган топшириққа нисбатан 0,2 процент камайтирамиз.

6. Механизмлар ёрдамида тупроқ суриш ишлари йиллик планини 25 декабрга бажарамиз.

7. 20 декабрга қадар тўртта насос станцияси, 22 минг гектар экин экиладиган ерларни суғормоқ учун қурилган бош иншоотда сувни тақсимлаш ва ҳисобга олиш ишларини ҳамда тик дренажли 30 қудуққа ўрнатилган насослар ишини автоматлаштирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

1. Қурилиш материаллари тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажарамиз. Планга қўшимча тарзда 800 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 15 минг тонна цемент, 5 шартли километр асбоцемент қувур, 5 миллион дона қурилишбоп ғишт, 50 минг квадрат метр дераза ойнаси, 150 минг квадрат метр линолеум, 4,5 минг квадрат метр пардозбоп кошин, 8 минг квадрат метр метлах ва сопол кошин ишлаб чиқарилади.

2. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планларининг жорий этилишидан 300 минг сўм даромад кўриш, рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 630 минг сўм фойда кўриш мўлжалланади.

3. 3000 ишчи ва 4700 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, 2 минг янги ишчига ҳунар ўргатилади.

4. Меҳнат унумдорлигини ошириш топширигги пландагига нисбатан 0,5 процент ортиғи билан бажарилади.

5. Пландан ташқари 250 минг сўм фойда олинади.

6. Попдаги заводда мастика-изол ишлаб чиқариш 22 апрелгача, Қувасой цемент комбинатида Андижон сув омбори қурилиши учун маҳсус цемент ишлаб чиқариш ҳам муддатидан илгари ўзлаштирилади.

7. Қуйидаги қувватлар муддатидан илгари ишга туширилади:

а) 112 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган қувватлар;

б) 40 миллион дона силикат ғишт ишлаб чиқариладиган қувватлар;

в) 20 миллион дона ғишт ўрнини босадиган деворбоп блоклар ишлаб чиқариладиган қувватлар;

г) 30 минг тонна мармар ушоқ ва 60 минг квадрат метр саҳнида гранит ва мармардан тайёрланадиган кошинлар ишлаб чиқарадиган қувватлар;

д) 1 миллион 500 минг кубометр қум-шағал ва гравий каби инерт қурилиш материаллари қазиб олинадиган қувватлар;

е) иморатлар пештоқига ишлатиладиган сопол кошинлардан 150 минг квадрат метр тайёрлаб берадиган қувватлар.

«УЗГЛАВВОДСТРОЙ»

1. Йиллик плани муддатидан олдин, 25 декабрга бажарамиз.

2. Йил мобайнида янгидан суғориладиган камида 19 минг гектар ерни муддатидан олдин топширишни; 16,5 минг гектар ерни яхшилаб текислашни, 42 минг гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилашни, 200 минг гектар ернинг сизот суви даражасини пасайтиришни таъминлаймиз.

3. Бухоро областидаги бош Қоракўл коллекторини, Хоразм областидаги бош иншоотни бўлган Туранг-Соқа каналини, Тошкент область «Октябрь 46 йиллиги» шолиқорлик совхозидаги 3-насос станциясини, Сирдарё областидаги 2600 гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилайдиган 10 та тик зовур қудуғини, Бухоро областидаги «Коғон» совхозида 1000 гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилайдиган 10 та тик зовур қудуғини, Жанубий Фарғона каналининг биринчи навбатига бетон ётқизиш ишларини, 1500 гектар янги ерларни, 32 минг гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилашни, 1000 гектар ерни яхшилаб текислашни, жами саҳни 3 минг квадрат метр бўлган уй-жой биноларини қуришни, Катта Андижон каналига сув қуйишни таъминлашни 22 апрелгача тугаллаймиз.

4. Амалдаги нормаларга нисбатан 0,5 процент цементни, 0,7 процент металлни, 1,0 процент ёғочни, 1,5 процент ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қоламиз.

5. Меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан қурилишда 0,5 процент, саноатда 1 процент, автомобиль транспортида 0,5 процент оширишни таъминлаймиз.

6. Йилига 500 минг сўм шартли самара берадиган рационализаторлик таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этамиз.

7. Ишлаб чиқаришда 2200 малакали ишчи тайёрлаймиз, 1300 ишчининг малакасини оширамиз.

(Давоми иккинчи бетда).

УЛКАН РЕЖАЛАР

(Бошы биринчи бетда)

8. Катта Андижон каналини, Саёт машина каналини, параллел коллекторни, Кичик Жилвон каналини, Бухоро областидаги Тароб коллекторини, Андижон сув омборини ва Туямўйин гидроузелини тайёрлаш давридаги объектларни, Фарғона водийсидаги Аччиқўл коллекторини, Хоразм область, Питнак посёлкасидаги темир-бетон буюмлари заводини муддатидан олдин ишга туширамиз.

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИ

1. Пудрат ишлари йиллик планини ва 187 минг квадрат метр уй-жой қуриш ишларини муддатидан илгари — 26 декабрга бажарамиз.

Йиллик планга қўшимча тарзда 2,5 минг квадрат метр уй-жой қурилади.

2. Биринчи сентябрга қадар 30 минг ўқувчига мўлжалланган 75 мактаб қуриб битказилади (бу пландагига нисбатан 840 ўрин кўпдир), шу жумладан 22 апрелгача 1590 ўқувчига мўлжалланган тўртта мактаб қуриб битказилади.

3. Муддатидан илгари, тўртинчи кварталда 3 минг болага мўлжалланган мактабгача тарбия, 50 та болалар муассасаси бинолари қурилиб битказилади, шу жумладан 310 ўринга мўлжалланган 5 та болалар боғчаси биноси 22 апрелга қуриб битказилади.

4. Йиллик планга қўшимча тарзда 100 ўринли 2 та болалар боғчаси, минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик бинолари, 1500 тонна минерал ўғит сақланадиган омборлар қуриб битказилади.

5. Йиллик план:

а) саноат корхоналарида товар-маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 27 декабрга;

б) ўз капитал маблағлари ҳисобига 26 декабрга бажарилади.

6. Қурилишларнинг техникавий даражасини оширмоқ учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) икки қатламли йирик панеллардан 150 уй-жой, говак элементлардан 5 та сигирхона қурилади;

б) йилига 50 минг сўм шартли йиллик иқтисодий даромад берадиган рационализаторлик таклифларини жорий этамиз.

7. Механизация даражасини ер қазиш ишларида 84 процентга, инерт материалларни қазишда 96 процентгача, темир-бетон ва пўлат конструкциялар монтаж қилишда 98,5 процентгача етказамиз.

8. Меҳнат унумдорлигини кўтариш топшириғини 0,5 процент, қурилиш таннархини арзонлаштириш топшириғини 0,15 процент, бир сўмлик товар маҳсулотига бўладиган чиқимлар топшириғини эса 0,12 процент ошириб бажарамиз.

9. 1200 тонна цемент, 80 тонна металл, 200 кубометр ёғоч-тахта, 1,5 миллион дона пишиқ ғишт, 6 тонна лак-бўёқ, 30 тонна ёқилғи-мой тежаб қоламиз.

10. Қурилиш ва корхоналарни кадрлар билан таъминлаш мақсадида 3 минг кишига ҳунар ўргатилади ва 3300 ишчининг малакаси оширилади.

«КАРШИСТРОЙ»

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан олдин 25 декабрга бажарамиз.

2. Қурилишда меҳнат унумдорлигини пландагидан 0,5 процент оширамиз.

3. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини белгиланган топшириқдагидан ташқари 0,2 процент камайтирамиз, йилига 175 минг сўм шартли самара берадиган рационализаторлик таклифларини жорий этамиз.

4. Комплекс механизация даражасини: ер қазиш ишларида 99,9 процентга, бетон тайёрлашда 98,5 процентга ва қоришма тайёрлашда 97,8 процентга етказамиз.

5. Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаб, объектларни камида «яхши» баҳо билан топширишга эришамиз.

6. Қуйидаги объектлар:

— автомобилларни ремонт қилувчи ремонт-механика заводи ва 500 автомашинага мўлжалланган автобазани I кварталда;

— ер қазиш ва йўл қуриш техникасини ремонт қилувчи ремонт-механика заводини III кварталда;

— Қарши — 6-насос станцияси оралиғидаги 72 километрлик 220 киловольтли электр линиясини I кварталда ва 6-насос станцияси — Керкичи оралиғидаги электр линиясини III кварталда;

— Яккабоғдаги биринчи навбати секундига 300-350 литр сув ўтказадиган сув иншоотларини вақтинча фойдаланишга топшириш — IV кварталда;

— 26 километрли Қарши-Нишон ва 7 километрли Қарши-«Аврора» совхози магистрал кориз ер ости сув йўлини — IV кварталда;

Қорақопламали 50 километр автомобиль йўли ва 18 та кўприкни 1 декабрда;

— умумий саҳни 35 минг квадрат метр бўлган уй-жой биноларини 25 декабрга, Дўстлик посёлкасидаги 400 ўринли қишки клубни III кварталда;

— Қарши шаҳридаги 1000 ўринли умумий таълим мактабини — III кварталда;

— Шаҳрисабз шаҳридаги 960 ўринли қишлоқ хўжалик техникумининг таълим-ишлаб чиқариш комплексини III кварталда;

— 560 ўринли 2 та болалар боғчасини йилнинг биринчи ярмида;

— Дўстлик посёлкасидаги 60 ўринли касалхона комплексини муддатидан олдин — IV кварталда қуриб битказамиз ва фойдаланишга топширамиз.

7. Автомобилда юк ташиш йиллик планини 20 декабрга, тўрт ойлик планни 22 апрелга бажарамиз; автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициентини белгиланган пландан 0,01 процент кўпайтирамиз, автомобиллардан фойдаланиш коэффициентини 0,50 процентга етказамиз, тоннаждан фойдаланиш коэффициентини 1,0 процентга етказамиз, автомобилда юк ташиш таннархини белгиланган пландан 0,5 процент камайтирамиз.

8. 1500 малакали бинокор ишчи, механизатор, бетончи ва арматурачи тайёрлаймиз.

«ГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ»

1. Пудрат ишлари планини муддатидан олдин 25 декабрга бажарамиз.

2. Қуйидаги объектларни:

— 15 минг гектар янги суғориладиган ерни, шу жумладан Жиззах районида 2 минг гектар ерни;

— 560 ўринли мактабгача тарбия муассасаларини, 640 ўринли умумий таълим мактабларини, Янгиер шаҳридаги коммунал-қурилиш техникумини — 1 сентябрга;

— жами саҳни 118 минг квадрат метр бўлган уй-жой биноларини, шу жумладан совхозларда 76 минг квадрат метр уй-жой, шуидан 30 минг квадрат метрини биринчи ва 46 минг квадрат метрини иккинчи ярим йилликда;

— 1200 бош қорамол боқиладиган фермаларни;

— 580 машина шартли равишда ремонт қилинадиган ремонт-механика устахоналарини;

— Совхозларда 20 та ишлаб чиқариш — хўжалик марказини ва 105 та бригада шийпонини,

— 1500 километр ёпиқ коллектор-зовурларни, шу жумладан мелиорация ҳолати яхшиланиши лозим бўлган ерларда 800 километр коллектор-зовурларни муддатидан олдин ишга туширамиз.

3. Шўр босган 5 минг гектар ернинг шўрини муддатидан олдин ювамиз.

4. Қурилишда меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,3 процент оширамиз ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,1 процент камайтирамиз.

5. Объектларни фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширишга эришамиз.

«КАРАКАЛПАКИРСОВХОЗСТРОЙ»

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан олдин, 25 декабрга, тўрт ойлик планни 20 апрелга бажарамиз.

2. Қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи ҳар бир ходимнинг иш унумини пландагидан 0,5 процент оширамиз.

3. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини белгиланган планга нисбатан 0,1 процент пасайтирамиз.

4. Иш ҳақи тўлашнинг аккорд мукофот ва ишбай-мукофот системаларини камида 25 процент жорий этамиз, йилига камида 50 минг сўм тежам берадиган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этамиз.

5. Ер ишларини механизациялаш даражасини 99,8 процентга етказамиз, қурилиш юкларини ташиш планини 25 декабрга бажарамиз, пландан ташқари 95 минг тонна юк ташимиз, планга қўшимча 1050 тонна-километр юк ташиб берамиз, планга нисбатан автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициентини 0,02 процент, йўл босиш коэффициентини 0,01 процент ва юк кўтариш коэффициентини 1,5 процент оширамиз; ҳар бир машинанинг иш унумини ўрта ҳисобда планга нисбатан 1,5 процент кўпайтирамиз, ҳар 10 тонна-километр ҳисобига ташилган юкнинг таннархини пландагидан 0,02 тийин камайтирамиз.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИ

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик давлат планини 22 декабрга бажарамиз, 4 ойлик топшириқни эса 22 апрелгача адо этамиз.

2. Тошкент ГРЭСидаги ўнинчи энергетика блокини муддатидан илгари, учинчи кварталда ишга туширамиз, ана шу ГРЭСдаги ўн биринчи блокни эса йиллик планга қўшимча тарзда 22 декабрга фойдаланишга топширамиз.

3. Чорвоқ ГЭСидаги иккита агрегатни муддатидан илгари 1971 йилда ишга туширмоқ учун 90 минг кубометр бетон ётқизамиз ва 6 минг тонна металл конструкцияларни ва ускуналарни монтаж қиламиз ва шу тариқа қурилиш-монтаж ишлари йиллик ҳажмини 5 декабрга адо этамиз.

4. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги билан ҳамкорликда Оҳангарон дарёсининг янги ўзани 25 декабрга очилади.

5. Қодирия сув йиғиш иншоотида бир кеча-кундузда 75 минг кубометр сув етказиб берадиган қўшимча қувват биринчи кварталда, Чилонзор қозонхонасида қуввати 50 гекалорий/соат бўлган иккинчи қозон июнь ойида, Шимолий қозонхонадаги қуввати 100 гекалорий/соат бўлган учинчи қозон август ойида, Ц-14 даги узунлиги 1,3 километр бўлган бош иссиқлик коллектори 22 апрелга, муддатидан илгари қуриб битказилади.

6. Гулистон шаҳрида Советлар уйининг бош корпусини В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига, бутун комплексни эса Қурувчилар байрами кунигача қуриб битказилади.

7. 20 минг квардат метр саҳнидаги уй-жойни 22 декабргача қуриб битказамиз.

8. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини пландаги топшириққа нисбатан 0,1 процент арзонлаштирамиз.

9. Йилига 700 минг сўм иқтисодий даромад берадиган ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этамиз.

«ТАХИАТАШГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» БОШҚАРМАСИ

1. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини 25 декабрга бажарамиз.

2. 6500 квадрат метр уй-жой, 350 ўринли клуб ошхонаси билан муддатидан илгари учинчи кварталда, шу жумладан, 350 ўринли томоша зали эса 22 апрелда қуриб битказилади.

3. Тахиатош гидроузели объектларида 2 минг кубометр ҳажмдаги ер қазиш ишлари, 76 минг кубометр монолит ва йиғма темир-бетон ётқизиш ишлари, шу жумладан, қалқонсимон тўғонга 62,5 минг кубометр монолит ва йиғма темир-бетон ётқизиш ишлари, тўғонга 300 тонна махсус қисмлар ўрнатиш, 3,75 минг куб метр айланма симлар тушириш ва 1630 тонна шпунт жойлаш ишлари муддатидан илгари адо этилади.

4. Гидроузел саноат майдонидаги асосий объектлар қурилишини муддатидан илгари қуриб битказамиз.

5. Айланма симлар ишлаб чиқариш бўйича иккинчи линияни муддатидан илгари ишга туширамиз ва қурилишнинг айланма симларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирамиз.

6. Ҳар бир ишчининг унумдорлигини пландагига нисбатан икки процент оширамиз, ҳамда ҳар бир механизм учун тайин этилган иш нормасини 5 процент оширилиб бажарилишига эришамиз, юк кўтариш коэффициентини 0,95 га етказамиз.

7. Ҳамма бўлимларнинг даромад кўриб ишлашига эришамиз ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини пландагига нисбатан 0,2 процент арзонлаштирамиз.

8. Ишлаб чиқаришга камида 40 та рационализаторлик таклифини жорий этамиз ва йилига улардан 110 минг сўм иқтисодий даромад олинишига эришамиз.

9. 250 кишига бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида қурувчилик касбларини ўргатамиз ва 500 кишининг малакасини оширамиз.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» ТРЕСТИ

1. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини ва қувватларни ишга тушириш планини 22 декабрга бажарамиз.

2. Узунлиги 159 километр бўлган Ангрен—Наманган оралиғидаги 220 киловольтли электр узатиш линияси, 125 минг киловольт-ампер қувватли трансформатори бўлган 220 киловаттли подстанция муддатидан илгари октябрь ойида, Фарғонадаги 220 киловаттли подстанция ҳузуридаги қуввати 50 минг киловольтампер бўлган синхрон-компенсатор автгуст ойида, узунлиги 167 километр бўлган Навоий—Қарши оралиғидаги 220 киловольтли электр узатиш линияси ноябрь ойида қуриб битказилади.

3. Металл конструкция ишлаб чиқариш йиллик планини 15 декабрга бажарамиз.

4. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини пландагига нисбатан 0,5 процент ортириб бажарамиз.

5. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини пландагига нисбатан 0,2 процент арзонлаштирамиз.

6. Янги техника ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 50 минг сўмлик шартли йиллик даромад олинишига эришамиз.

7. Бригадаларни комплекс бригадаларга жалб этиш даражасини 80 процентгача етказамиз, бригадаларнинг 40 процентига меҳнатга аккорд усулида ҳақ тўланишига ўтамиз.

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ»

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 28 декабрда, 4 ойлик планни 22 апрелда бажарамиз.

2. 20,7 минг квадрат метр уй-жой қуриш йиллик планини 25 декабрда бажарамиз.

3. Қуйидаги иншоотларни муддатидан илгари қуриб битказамиз:

а) 27,4 километр узунликдаги иккинчи йўллар 25 декабрда;

б) Тошкентдаги темир йўл вокзалини — 5 декабрда;

в) Тахиатош шаҳридаги «Узсельхозтехника» учун 14 минг тонна минерал ўғит сиғадиган омборлар — июнь ойида;

г) СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли 800 ўринли ҳунар-техника билим юрти — 25 декабрда;

д) 420 ўринли иккита болалар боғчаси — 5 декабрда;

4. 350 тонна цемент, 50 тонна металл, 350 кубометр ёғоч-тахтани тежаб қоламиз.

5. Ҳамма объектларни кам деганда «яхши» баҳога топширамиз.

6. Қуйидаги тасдиқланган техника иқтисодий кўрсаткичларини ошириб бажарамиз:

а) қурилиш-монтаж ишлари таннархини пландагига нисбатан 0,2 процент арзонлаштирамиз;

б) қурилишда меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 0,2 процент, саноатда 0,5 процент оширамиз;

в) иш нормасини белгиланганига нисбатан экскаваторларда 2 процент, бульдозерларда 2,1 процент ошириб бажарамиз.

7. Рационализаторлик таклифларининг жорий этилишидан 100 минг сўм даромад олинади.

8. Ҳамма ишловчиларнинг 60 процентини қамраб олиб комплекс бригадалар тузилади, ишбай асосида маош олаётган ишчиларнинг 30 процентига қадар ишбай мукофот системаси бўйича иш ҳаки тўланади.

«САМАРКАНДТРАНССТРОЙ»

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари 25 декабрда бажарамиз, тўрт ойлик планни эса муддатидан илгари 22 апрелда адо этамиз.

2. Самарқанд — Қарши темир йўлида поездлар қатновини муддатидан илгари 22 апрелда очамиз.

3. Самарқанд шаҳридаги аэровокзал биносини Қурувчилар кунигача бажарамиз.

4. Когон—Чоржўй—Мари йўлидаги Марказий диспетчерлик объектлари белгиланганидан бир ой илгари ускуналар монтажига тахт қилиб қўйилади.

5. Қурилишда яхлит материаллардан фойдаланиб ва комплекс механизацияни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 0,5 процент ортади.

6. Ишлаб чиқаришга рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 200 минг сўм даромад олинади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи пландагига нисбатан 0,2 процент арзонлаштирилади.

7. Қурилиш учун юклар ташиш толшириғи 5 процент ошириб бажарилади, эксплуатация ҳаражатлари 2,5 процент камайтирилади.

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ»

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари 25 декабрда бажарамиз.

2. 25 декабрга қадар қишлоқда 98 минг хонадон газлаштирилади.

3. 25 декабрга қадар 850 километр узунликдаги газ тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Улар посёлкаларда ва уларга туташ ерларда ўтказилади.

4. Андижон ва Урганчда ишлаб чиқариш базаларн, Когон ва Янгиерда қувурларни тозалаш ва изоляция қилиш учун поток линиялар, Сирдарёда суюлтирилган газ сақланадиган базанинг иккинчи навбати муддатидан илгари 25 декабрга қадар қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади.

5. Пудрат ишлари бўйича меҳнат унумдорлигини 0,6 процент, маҳсулот тарқатишда шу кўрсаткични 0,8 процент оширамиз.

6. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,3 процент арзонлаштирамиз.

7. Ишлаб чиқаришга рационализаторлик таклифларини жорий этишда ҳам деганда 120 минг сўм даромад кўрамиз.

8. 305 минг киловатт-соат электр энергия, 16,25 тонна суюлтирилган газ, 60 тонна суюқ ёнилғи, 12 тонна металл тежаб қоламиз.

«ТАШКЕНТДОРСТРОЙ»

1. Йиллик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажарамиз.

2. Меҳнат унумдорлиги қурилишда планда белгиланганига нисбатан 0,5 процент ошириладн, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,2 процент арзонлаштирилади.

3. Автомобиль йўллар қурилишида асосий ишларни комплекс механизациялаш даражаси 99,1 процентга, ер қазиш ишларида 99,8 процентга, бетонлаш ишларида 99 процентга етказилади.

4. Асосий йўл қурилишида ишлатиладиган машина-механизмларда норма бажарилишини 101 процентга етказамиз.

5. Ҳар бир тонна юкни 1 километрга ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент арзонлаштирамиз, машиналардан фойдаланиш коэффициентини планда белгиланганига нисбатан 0,1 процент ва машиналарнинг техникавий шайлиги коэффициентини ҳудди ана шу кўрсаткич бўйича 0,2 процент оширамиз; ҳар бир автотонна учун иш нормасининг 0,5 процент ошириб бажарилишига эришамиз.

«СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИ

1. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари, 25 декабрда бажарамиз, тўрт ойлик планни 22 апрелда адо этамиз.

2. Қурилиш таннархини 0,5 процент арзонлаштирамиз ва ходимларнинг меҳнат унумдорлигини 0,7 процент кўтарамиз.

3. Қуйидаги объектлар муддатдан илгари ишга туширилади.

а) Ўрта Осиё—Марказ газ қувурининг иккинчи ва учинчи навбатига таллуқли 140 километр узунликдаги газопровод — IV кварталда;

б) Муборак — Қарши оралиғида узунлиги 81,9 километр бўлган ерости магистрал сув йўли — IV кварталда;

в) Бухоро газ ҳавзаси — Тошкент — Фрунзе — Олмаота газ қувури, узунлиги 238 километр — 15 декабрда;

г) Ўртабулоқ газ конининг Бухоро газ ҳавзаси—Тошкент—Фрунзе — Олмаота газ қувурига улаш, узунлиги 78 километр — IV кварталда.

4. 4029 квадрат метр саҳнидаги уй-жойни муддатидан илгари биринчи октябрда қуриб битказамиз.

5. Автомобиль транспортида юк ташиш йиллик планини 20 декабрда бажарамиз.

6. Автомобилда юк ташиш таннархини топшириқдагига нисбатан 0,5 процент арзонлаштирамиз.

7. Автомобиль транспортида ишлаётган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 6 процент оширамиз.

8. Кам деганда йилига 60 минг сўм даромад берадиган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этамиз.

НАВОИЙ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

1. Пудрат ишлари, саноат маҳсулотлари тайёрлаш ва реализация қилиш планларини муддатидан илгари, 25 декабрда бажарамиз, тўрт ойлик планни 22 апрелда адо этамиз.

2. Планга қўшимча тарзда 1000 километр йиғма темир-бетон буюмлари тайёрланамиз ва сотамиз, ҳамда 1000 квадрат метр уй-жой қуришга етадиган уйсозлик комбинати буюмлари ишлаб чиқарамиз.

3. Планга қўшимча тарзда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг сотилишидан 60 минг сўм фойда кўрамиз.

4. Қурилишда ва саноатда белгиланган пландагига нисбатан меҳнат унумдорлигини 0,5 процент оширамиз.

5. Қуйидаги қувватлар муддатидан илгари ишга туширилади:

а) Навоий химия комбинатида аммиак, кучсиз азот кислотаси ва аммиак селитраси тайёрланадиган қувватлар;

б) Навоий ГРЭСида сувни химиявий усулда тозаланадиган ускуна.

6. Навоий шаҳрида планга қўшимча тарзда 70 квартирали уй қурилади.

7. Янги техникани ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга оширамиз. Иккинчи ва олтинчи темир-бетон буюмлари майдонларида бўғлатиш хоналарнинг автоматик линиялари ўзлаштирилади, уйсозлик комбинатида бетон тайёрлаш жараёни автоматик тарзда бошқариладиган бўлади, НОТ бўйича 32 тадбир жорий этилади ва жами юз минг сўм даромад олинади.

8. 1 миллион дона ғишт, 2 минг квадрат метр томга ёпиладиган юмшоқ материал, 8 тонна лак-бўёқ, 600 кубометр ёғоч-тахта, 310 тонна металл тежаладн.

9. Курсларда ўқитиш ва бригада усули билан 1350 кишига ҳунар ўргатиш ва 1400 ишчининг малакасини ошириш мўлжалланади.

ТУЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ЗАВОДИ

1. Йиллик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажарамиз.

2. 8 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот сотилади, бу 1969 йилдагига нисбатан 9 процент кўпдир.

3. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процент кўпаяди.

4. Меҳнат унумдорлиги 1969 йилдагига нисбатан 8,5 процент оширилади.

5. Рентабеллиги 7,9 процент ошириб, заводнинг даромад кўриб ишлаши таъминланади.

6. Йил охирига келиб завод қуввати 50 минг тонна металл конструкция ишлаб чиқаришгача етказилади, маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процент ортади.

«УЗГЛАВЛЕСПРОМ»

1. Ишга яроқли ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиш йиллик планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажарамиз, планга қўшимча тарзда 10 минг кубометр ишга яроқли ёғоч тайёрланади ва ташиб олинади. Дарахт кесиш йиллик плани муддатидан илгари, 27 декабрда бажарилади, планга қўшимча тарзда 5 минг кубометр маҳсулот тайёрланади. Товар-маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини 28 декабрда бажарамиз.

2. Меҳнат унумдорлигини кўтариш топшириқларини пландагига нисбатан 0,5 процент ошириб бажарамиз, 1 сўмлик товар-маҳсулот тайёрлаш учун кетадиган ҳаражатларни пландагига нисбатан 0,3 процент арзонлаштирамиз.

3. Дераза блоклари тайёрланадиган цехда 5 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланадиган ускуналарни муддатидан илгари, апрель ойида, эшик блоклари тайёрланадиган цехда 500 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланадиган янги ускуналарни муддатидан илгари, июнь ойида, паркет тахта цехида қуввати 660 минг квадрат метр бўлган ускуналарни октябрь ойида ўзлаштириш мўлжалланади.

4. Ёғоч ташиладиган автомобилларнинг смена коэффициенти 1,9 процентгача оширилади.

5. Тулин ўрмон саноати хўжалигида ёғоч заводи қурилиши муддатидан илгари битказилади.

ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ

1. Лойиҳа-қидирув ишлари йиллик планини 25 декабрда бажарамиз, тўрт ойлик планни 22 апрелгача адо этамиз.

2. Лойиҳалаш ишларига электрон ҳисоблаш техникаси ва НОТ методларини бундан буён ҳам жорий этаверамиз, лойиҳачиларнинг меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 0,8 процент оширилади.

3. Лойиҳа-қидирув ишлари таннархини пландагига нисбатан 0,4 процент арзонлаштирамиз.

4. Лойиҳалаш фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари негизида олиб борилади, лойиҳа ечимлари иқтисодий жиҳатдан яхши асосланади, сметанинг ўрбў эътибори оширилади ҳамда қурилишларнинг смета қиймати тўғри аниқланади. Қурилиш жараёнида смета асосий ва ўзгармас ҳужжат бўлиб қолиши учун курашилади.

5. Объектлар қурилишида авторлик назоратининг роли ва авторларнинг масъулияти оширилади.

6. Лойиҳалар устидан шикоятлар тушишига ва тафтиш натижасида айрим ишларнинг қайтадан қилинишига чек қўйилади.

7. Саноат корхоналарини лойиҳалаштираётганда типовой ва такрорий қўлланиладиган лойиҳаларнинг қўлланиш қўламини 70 процентга етказилади.

Лойиҳалаш институтларининг коллективлари қуйидаги корхоналар ва объектлар қурилиши учун ҳужжатларни муддатидан 5—10 кун илгари тайёрлаб беришга қарор қилдилар:

УЗГИПРОТЯЖПРОМ — «Ташсельмаш» заводининг 8-а корпуси, Тошкентдаги ҳўжалик буюмлари заводи ва чинни заводининг корпуслари.

Тўртинчи давлат лойиҳалаш институти — Шерободдаги пахта заводи ва Урганч—Шаҳрисабз ва Намангандаги пиллакашлик фабрикалари.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарни лойиҳалаш илмий тадқиқот институти — Наманган гишт заводи, Гулистондаги йирик панелли уйсозлик заводи ва Нукусдаги асфальт-бетон заводига қарашли объектлар.

СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК—Қарши магистраль канали, Бекобод районидаги Далварзин чўлида бунёд этиладиган тажриба-ишлаб чиқариш зовурининг биринчи навбати, шунингдек бу институт ходимлари Жанубий Сурхон сув омбори суви билан суғориш масалалари юзасидан техникавий-иқтисодий докладни ёзиб тугаллайди.

Сув иншоотларини лойиҳалаш Ўзбекистон давлат институти — Аму-Бухоро канали қурилишида 1971 йилда бажариладиган ишларга ҳужжатлар 20 августгача етказиб берилади; Катта Наманган канали қурилишида 1971 йилда бажариладиган ишларга ҳужжатлар 20 августгача етказиб берилади. Чодоқ сув омбори, Самарқанд областининг Нарпай каналидан суғориладиган ерлар лойиҳалари, Сирдарё областидаги 1-, 2-ва 3-янги шоликорлик совхозлари қурилишига, Сирдарё областидаги учта йирик коллектор реконструкциясига ҳужжатлар ҳам муддатидан илгари етказиб берилади.

Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институти — «Станколит» заводи учун посёлка, Гулистон шаҳридаги 3-микрорайон, «Алмаликсвинецстрой» трестининг посёлкаси, Наманган шаҳрида микрорайонга ҳужжатлар барвақт етказиб берилади. Бундан ташқари жамоатчилик йўли билан Андижон область Ленин шаҳридаги Владимир Ильич Ленинга ўрнатиладиган ҳайкалнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари, Наманган шаҳрида В. И. Ленин майдонида қурилиадиган қурант учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам шу йўсинда 22 апрелгача тайёрланади.

ТАШЗНИИЭП — Ц-26 микрорайони, шунингдек, Тошкент шаҳрида йирик панеллардан қуриладиган IV3-500 ТСП 69 серияли уйлар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

УЗГИПРОКОММУНИННЖПРОЕКТ—9 объект ҳужжатлари, шу жумладан Тошкент водопроводи ва канализацияси, Киров номли район марказини газ билан таъминлаш, Маркс номли совхозни, Туябўғиздаги темир-бетон буюмлари заводини ва Урганч шаҳрини газ билан таъминлаш юзасидан зарур ҳужжатларни 22 апрелгача етказиб бериш, тўрт объектни, шу жумладан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи водопроводи ва коллектори канализациясига оид ҳужжатларни йил охиригача етказиб бериш.

УЗГИПРОЗЕМ — уч район бўйича қишлоқ хўжалиги планировкаси лойиҳалари (территория ва инженерлик шоҳобчаларини тузиш): 14 та колхоз ва совхоз посёлкаларини қуришнинг бош планлари, республикадаги 20 хўжаликда алмашлаб экишни татбиқ этиб хўжалик ички, ер гузилиш лойиҳалари, учта ихтисослашган шоликорлик совхозларида ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш лойиҳалари Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм, Сирдарё, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРда суғориладиган ерлардаги ҳамма хўжаликлар тупроғини бонитровка қилиш, 22 апрелга қадар республика тупроқ юбилей харитасини нашрга тайёрлаш.

САОГИДРОПРОЕКТ — Чотқол дарёсидан комплекс фойдаланиш юзасидан биринчи навбатда қуриладиган гидроузел схемасини асослаш.

САОЭНЕРГОСЕТПРОЕКТ—220 киловаттли «Химия» ёрдамчи станцияси қурилиши учун муддатидан илгари ҳужжатлар етказиб бериш, Ўрта Осиё магистрал газ қувури саноат узели ва конлари учун ҳам ҳужжатларни муддатидан илгари етказиб бериш.

САОТЕПЛОПРОЕКТ — Тошкент ГРЭСи 12 блокининг ҳужжати.

САОСЕЛЬЭНЕРГОСЕТЬПРОЕКТ — Катта Наманган канали қурилишини электр энергия билан таъминлаш, Сирдарё, Бухоро ва Сурхондарё областларини электрлаштириш ҳужжатларини.

ТАШПРОЕКТ — Шимол массиви микрорайонининг ҳужжати. Бу микрорайонда (ТДСК-УСП типидаги уй-жойлар қурилади), Ғарби Шимолий уй-жой райони ва «Ташсельмаш» заводи микрорайони ҳужжатлари.

СРЕДАЗНИПРОЦВЕТМЕТ — Марказий Қонсой ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати объектлари учун ҳужжатлар 22 апрелгача етказиб берилади.

Алоқа корхоналарини лойиҳалаш Давлат институтининг Тошкент бўлими—Тошкентдаги Г-1 автомат телефон станцияси лойиҳаси 22 апрелгача тайёрлаб берилади.

ТАШГИПРОТРАНС — Самарқанд — Қарши темир йўли қурилишида 1971 йилда бажариладиган ишлар учун ҳужжатларни 25 августгача, Тошкент — Янгийўл шаҳар атрофи қатнови участкасини электрлаштириш юзасидан иш чертёжларини ҳам 25 августгача етказиб берилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини лойиҳалаш давлат институтининг Ўрта Осиё филиали Самарқанддаги 750 ўринли, Юнусободдаги 770 ўринли, Фарғонадаги 500 ўринли, Қаршидаги 500 ўринли, Урганчдаги 200 ўринли касалхоналарнинг ва Тошкентдаги медицина билим юртининг лойиҳаларини тайёрлаб беради.

* * *

Ленин юбилейи йилида социалистик мусобақани тобора авж олдираётган қурилиш материаллари саноати, қурилиш индустрияси корхоналари ва лойиҳа ташкилотларнинг қурувчилари, монтажчилари ва ходимлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқ учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар ва шу тариқа мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

БУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ВА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ БИНОКОРЛИК, МОНТАЖ, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН.

ЯШНАГАН ВОҲА

Хоразм Халқ революциясига 50 йил тўлди

ИЛЬИЧНИНГ ЯГОНА ОРДЕНИ

Ленин ҳаётлиги чоғида битта орден билан мукофотланган эди. Бу мукофотнинг тарихи қуйидагича:

1920 йил 2 февралда Хивада халқ қўзғолон кўтариб, хон ҳокимиятини ағдариб ташлади ва 25 апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси — ХХСРни эълон қилди (кейинроқ у Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб атала бошлади). Хоразм революциясининг икки йиллигини нишонлаш учун республика Марказий Ижроия Комитети Меҳнат ордени таъсис этди. 1922 йилда ХХСРнинг Марказий Ижроия Комитети бу орден билан Владимир Ильич Ленинни мукофотлашга қарор қилди. ХХСР Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 4 апрелда В. И. Ленинга ёзган хатида бундай дейилган: «ҚАДРДОН ВА СЕВИКЛИ УСТОЗИМИЗ! МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ БУ ОРДЕННИ ҚАБУЛ ҚИЛСАНГИЗ ВА УНИ КЎП АСРЛИ ҚУЛЛИКДАН КЕЙИН ШАРҚДА МЕҲНАТНИНГ ОЗОД БУЛИШИ РАМЗИ СИФАТИДА ТАҚИБ ЮРСАНГИЗ».

АМУ СОҲИЛИ — ДЎСТЛИК МАНЗИЛИ

1920 йил февралида Хоразм халқ революциясининг ғалабаси Улуғ Октябрь инқилобининг давоми эди. Ленин партияси раҳнамолиги, рус халқининг ғоғаларча ёрдами туфайли хонлик емирилиб, ўлкада Совет тузуми қарор топди.

Инқилоб ғалабаси, партиямизнинг ленинча миллий сиёсати Аму соҳилидаги ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари ўртасида чинакам дўстлик, қардошлик ва биродарликни вужудга келтирди. Миллий адоват ноятифоқлик ва миллатчиликнинг ҳар хил кўринишларига абадий хотима берилди. Аму соҳилида яшовчи халқлар — Туркманистон ССР Тошовуз ва Чоржўй зона районлари, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области меҳнаткашлари ўртасида анъанага айланган дўстлик, ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Воҳадаги халқлар улуғ Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини ва Хоразм халқ революциясининг 50 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Эндиликда Хоразм воҳасидаги ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқларининг дўстлиги, бир-бирларига қардошларча ёрдами, меҳнатда ва турмушда чуқур илдиз отаётган биродарлик муносабатлари тобора ривож топиб, ленинча миллий сиёсатнинг ҳаётий кучини намойиш қилмоқда.

М. МАТКАРИМОВ,
Узбекистон КП Янгиариқ район комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ХИВА /ХОРАЗМ/ СОВЕТЛАРИНИНГ
I ҚУРУЛТОЙИДАН

Хива шаҳри 1920 йил 22 апрель

Москва, Халқ Комиссарлари Совети, Ўртоқ Ленинга

Хива мамлакатининг бугун халқ вакиллари Советларининг I съездига тўпланган кишилари Сизни, бутун дунё меҳнаткашларини социализмнинг порлоқ идеаллари сари бошлаб бораётган жаҳон революцияси йўлбошчисини табриклайдилар.

Хива қурултойи Сизни якдиллик билан фахрий раис қилиб сайлайди. Хива республикасининг меҳнаткашлар оммаси бугун Россия ва бутун дунё пролетариати билан биргаликда ишлаш йўлига кирмоқда ва Шарқнинг яқинда муқаррар равишда озод бўлишига ҳамда социалистик йўлга киришига қаттиқ ишонади.

Яшасин бутун дунё меҳнаткашларининг бирлиги!

Яшасин жаҳон социалистик ҳаракатининг йўлбошчилари!

ҚАРДОШЛИК ИНШООТИ

(ЛАВҲА).

Бу қирлар гўё тун оғушида мудраб ётарди. Асрлар давомида уни уйғота оладиган куч топилмади. Қанча хонлар, ҳукмдорлар ўтди, лекин чўлга ҳаёт бағишлаш уларнинг ҳаёлидан йироқда эди.

Соҳилда чўққайиб турган дўнгликни «Чингиз тепа» дейишади. Чингизхон Хоразмни фатҳ этиш мақсадида қирлар оша шу ерга келиб, нафасини ростлаб олгач, лашкарларига буюрибди: «Ҳар бирингиз бир ҳовуч тупроқ олиб, бир жойга уюнглар». Сонсиз лашкар уйган тупроқдан баланд теплик ҳосил бўлибди. Чингизхон чўлни обод қилиш нарх турсин, аксинча, обод шаҳарларни саҳрога айлантирди.

Яна бир ривоятга кўра, Амунинг буралиб оқадиган тор ёридан афсонавий «дулдул» ҳатлаганмиш. Аммо, «дулдул» тўғонининг дупурдупури ҳам саҳрони уйқудан уйғота олмаган.

Фақат бизнинг замонимиздагина чўл-саҳро — Туямўйинда ҳам тонг отди. Аму соҳилларида йирик гидроиншоотлар қурилди, янги каналлар бунёд этилди.

Соҳилдамиз. Туямўйинда тонгни қаршиладик. Қуёшнинг заррин шафақлари оламга нур соча бошлаганида, бу ерда меҳнат суроғи авж олди.

Мана, бетончилар бригадири Қадам Ражабов бутун иш жараёнига, қоришманинг сифатига кўз-қулоқ бўляпти. Механик Ибодулла Абдуллаев агрегат ёнида парвона. Прораб Рустам Абдуллаев эса тайёр бетон қорищмасини қабул қилиб, самосвалларда объектга жўнатиб турибди.

Участка бошлиғи Геннадий Бадигин бетончилар коллективи топшириқни ортиғи билан уддалаётганлигини, қурилишга юқори сифатли бетон етказиб бераётганлигини айтди. Туямўйин каналига темир йўл ва автомобиль кўприкларини тез, мустаҳкам қуришда бетончилар катта ғайрат кўрсатишди.

Питнак қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Юсуф Шержонов билан бирга экскаваторчилар ишлаётган трассага бордик. Одимловчи экскаваторлар ер-осмонни ларзага келтириб, бир зумда тупроқ уюмлари ҳосил қилади. Экскаваторчилардан Қўзи Маткаримов ва унинг мусобақадоши Отто Гофф алоҳида жасорат кўрсатишяпти. Улар ҳозир 1971 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Биз турли касбдаги қурувчилар орасида бўлганимизда Туямўйинда қурилиш ишлари миқёси кенгайиб бораётганлиги, меҳнат буloқдек мавж ураётганлиги кўз олдимизда яққол намоён бўлди.

Партия ва ҳукуматимизнинг Амударёда Туямўйин гидроузелини қуриш ҳақидаги қарори бутун воҳада зўр хурсандчилик билан кутиб олинди. Халқ уни «дўстлик иншооти» деб атамоқда. Чунки Туямўйинни бутун мамлакат қуради. Бу улкан иншоотнинг бунёд этилиши фақат Хоразм области учунгина эмас, балки Туркманистон ССР Тошовуз зонаси ва Қорақалпоғистон АССР учун ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Улкан сув омбори ва ГЭС қурилгач, қуйи Амударё соҳиллари, барча шаҳару қишлоқлар сув ва нурдан тўла баҳраманд бўладилар.

Ф. ЗОҲИДОВ.

ХИВА шаҳридаги гилам фабрикаси коллективи Ленин юбилейига атаб доҳий портрети туширилган гилам тайёрлади. Суратда: фабрика директори Анабиби Бердиева билан Гулчеҳра Аминова. Иккинчи суратда эса шу гилам фабрикасининг пешқадам ишчиси Шухратжон Хўжаева. Янгиариқ районидаги «Коммуна» колхози устахонаси коллективи кўпламги экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ҳозиргача турли маркадаги 22 та трактор, 4 экиш агрегати, 90 та борона ремонтдан чиқарилиб, нўхламга шай қилиб қўйилди. Учинчи суратда устахонанинг тракторчиси Болта Назаров ремонт қилинган тракторни кўздан кечирмоқда. Тўртинчи суратда Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикасининг чевари Бибигул Худойберганова, Бибигул смена топшириқларини 120-130 процентдан ado этиб, доҳий юбилейига муносиб совға тайёрламоқда.

А. Тўраев фотолари.

БАХТ ТОНГИ

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Узбекистон КП Хоразм область комитетининг биринчи секретари.

КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига Тезисларида таъкидлангандек, Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон социалистик революциясининг биринчи зафарли ғалабаси бўлди. Бу революция халқаро озодлик ҳаракатини янги, тағин ҳам юксак босқичга кўтарди, бутун дунёга социализм йўлини кўрсатиб берди.

1920 йил февралида Хоразмда халқ революцияси ғалаба қозонди. Улуғ Октябрнинг мантиқий давоми бўлган бу революция хонлик истибдодига абадий барҳам берди. Қадимий Хоразм тупроғида асрлар бўйи яшаб келаётган халқлар — ўзбеклар, қорақалпоқлар ва туркманлар Ленин даҳоси нуридан баҳраманд бўлиб, янги ҳаёт қуриш йўлига чиқиб олдилар.

Мана, воҳамиз уфқида бахт тонги отганидан буён ярим аср вақт ўтди. Қардош халқларнинг ягона оиласида гуллаб-яшнаётган серқуёш Ўзбекистоннинг ҳамма областлари каби Хоразм области ҳам тараққиёт ва юксалишнинг катта йўлини босиб ўтди. Чор Россиясининг қолоқ, мустамлака ўлкаси Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Экономика гўркираб ривожланди, маданият равнақ топди.

Хива хонлиги даврида ўлкада атиги бир неча майда кустарь корхона, косибҳунармандчилик мавжуд эди. Фақат революциядан кейингина саноат гуркираб ўсиб, экономиканинг етакчи соҳасига айланди. Ҳозирги вақтда областда 70 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. Кейинги йилларда қатор янги саноат корхоналари, жумладан Урганчда шина-ремонт заводи, нон комбинати, пилла уруғчилиги заводи, Хивада тикувчилик фабрикаси, Янгиариқ ва Гурлан районларида пахта тозалаш заводлари қурилди ва ишга туширилди. Йилига 30 миллион дона силикат ғишти ва 20 минг тонна оҳак ишлаб чиқарадиган қурилиш материаллари заводи, йиллик қуввати 25 минг квадрат метр бўлган уйсозлик комбинати, йилига 400 минг кубометр тош-шағал қазиб чиқарадиган Юмуртов механизациялашган карьери фойдаланишга топширилди.

Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — Марказ магистраль газ қувурлари, Тахиатош ГРЭСидан тортилган юқори вольтли электр узатиш линияси қурилиши областда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Саноат корхоналари аста-секин табиий газ билан ишлашга ўтяпти. Шу йилнинг бошига келиб областнинг барча шаҳар ва қишлоқлари тўла электрлашди.

Янги саноат корхоналари қурилиши жадал давом эттириляпти. Урганчда суткасига 720 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ёғ-экстракт заводи, паррандачилик фабрикаси, консерва заводи қурилмоқда. Бу йил пиллакашлик фабрикаси қурилишига киришилади. Унинг лойиҳа қуввати 384 автомат станокка мўлжалланган.

Область қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Революциядан илгари омоч ва кетмонга асосланган қолоқ қишлоқ хўжалиги ўрнига илғор техника билан қуролланган, фан ютуқларига асосланган социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келди. Бу ленинча кооператив планнинг амалга оширилиши самарасидир.

В. И. Ленининг Туркистонда суғориш ишларини яхшилаш ҳақидаги гамхўрлиги партия ва ҳукуматнинг амалий фаолиятида ўз ифодасини топди. Совет ҳокимияти йилларида ирригация ва мелиорация иншоотлари қуриш кенг миқёсда авж олдирилди. Полвон, Қиличниёзбой, Шовот ва Тошсоқа каналлари қурилди. Каттақўл коллектори, 290 километр узунликдаги Дарёлиқ коллектори фойдаланишга берилди. Туямўйин гидроузелининг қурилиши ер ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва экономикани янада тараққий эттиришда воҳа олдида янги истиқболлар очади.

Қишлоқ хўжалигининг равнақи ҳақида гап борганда, областда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятларни алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Областнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди. Пахтадан муттасил ва барқарор юқори ҳосил етиштирилмоқда. Беш йиллигининг ўтган тўрт йили ичида шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан 165,8 минг тонна кўп пахта етиштирилди. Шу давр мобайнида давлатга 1 миллион 413,3 минг тонна пахта сотилди. Бу — белгиланган планга нисбатан, 177,3 минг тонна кўп пахта демакдир. Об-ҳаво ноқулай келган 1969 йилда давлатга 330,4 минг тонна пахта сотилди, область бўйича ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Янгиариқ, Хива ва Урганч районлари пахтачиликни ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Янгиариқ районидаги Киров номли, Шовот районидаги «Москва», Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Хива районидаги Фрунзе номли, Урганч районидаги Ленин номли колхозлар ҳосилдорликни 37-40 центнерга етказдилар.

Пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили областда 20 минг тонна, яъни планда белгиланганига нисбатан 5 минг тонна кўп шоли етиштирилди.

Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларида мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг конкрет режалари белгилаб берилган. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми республикада пахтачиликни янада ривожлантириш вазифасини илгари сурди. Область пахтакорлари юбилей йилида 380 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилиб, мўл ҳосил учун кураш бошладилар. Суғориладиган ерларни кенгайтириш, алмашлаб экишни жорий қилиш, беда майдонини 16 минг гектарга етказиш, чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш юзасидан улкан режалар белгиланди. Биз қишлоқ меҳнаткашларининг қуч-ғайратини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратмоқдамиз.

Экономика билан бир қаторда, областнинг маданий ҳаётида ҳам тубли ўзгаришлар юз берди. Совет тузуми туфайли ҳамма ёпасига саводхон бўлди. Мавжуд 400 мактабда 131,7 минг бола таълим олмоқда. Областдаги олий ва ўрта махсус билим юртларида 6800 дан кўпроқ студент ўқимоқда. Хоразмда 133 илмий ходим, шу жумладан 36 фан кандидати ишлаб турибди. 339 кутубхона, 222 киноустановка, телевизион марказ, иккита театр, кўп сонли маданият уйлари, клублар халқ хизматида. Революциядан илгари 50 ўринли атиги битта касалхона бўлиб, халқ унинг хизматидан бебаҳра эди. Эндиликда ўнлаб касалхоналар, санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсатмоқда, уларда 2 мингдан кўпроқ врач ва ўрта медицина ходими ишлаяпти.

Қишлоқ маданиятини юксалтиришда каттагина ишлар амалга оширилди. Колхоз қишлоқларида шаҳар типидаги янги посёлкалар бунёд этилмоқда. Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Янгиариқ районидаги «Правда», Хива районидаги Ленин номли, Шовот районидаги «Москва» колхозларида янги, обод посёлкалар қуришда ибратли ишлар амалга оширилди. Колхоз ва совхоз посёлкаларини қайта қуриш, обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг электр, газ, водопровод суви ва бошқа қулайликлардан, маданий-маиший хизматнинг барча турларидан фойдаланишини таъминлаш шу куннинг амалий вазифаси бўлиб қолди. Бу вазифа албатта ҳал этилади, чунки бунинг учун иқтисодий замин вужудга келтириляпти.

Халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш, социализм ғалабасини таъминлаш ва коммунистик қурилиш жараёнида янги инсон ўсиб етишганлиги бизнинг улкан ютуғимиздир. Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ғоявий етук, коммунистик эътиқодли янги кишининг камол топишига жуда катта эътибор бермоқда. Амалга оширилаётган улуғвор ишлар, қўлга киритилаётган муваффақиятлар — ана шундай авжойиб кишиларнинг меҳнати, ақл-заковоти самарасидир. Урганчдаги «Қизил Октябрь» ёғ-совун заводининг директори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сотим Нурматов, Ленин орденли слесарь Содиқ Ибодуллаев, Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Матқаримов, СССР Олий Совети депутати, машҳур механизатор Ойша Жуманиёзова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, донгдор пахта усталари — Искандар Дўсов, Ободон Дўсова ва бошқа талай оташ қалб меҳнатда доврўг қозонган шуҳрат эгалари билан фахрланса арзийди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар, механизаторлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа касб эгалари, юксак унвон соҳиблари области кўп. Кишиларимизнинг камолоти ва доврўғи дилларга қувонч, ифтихор бағишлайди. Чунки шавкатли меҳнат — Ленин ишлари, коммунизм ишига садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

Хоразм меҳнаткашлари Улуғ Ленин юбилейини сиёсий кўтаринкилик, меҳнат активлигини чексиз оширган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Тезислари ҳаммаининг қалбига илҳом ва қудрат бағишлаяпти. Улуғ айёмга муносиб тўёна ҳозирлаш, юбилей йили планларини, беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажариш области мизнинг меҳнат аҳлининг қатъий аҳдидир.

БИРИНЧИ ДЕПУТАТ ХУЗУРИДА

СССР Олий Советига сайланган хоразмлик биринчи депутат, Ленин ордени соҳибаси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Пошша Маҳмудовани областда ҳамма танийди. Оддий ўзбек деҳқонининг қизи ўз меҳнат фаолиятини колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлашдан бошлади, район ва область совет ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишлади. Улуғ Ватан урушининг дастлабки даврида республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Яқинда мухбиримиз кекса коммунист, биринчи депутат Пошша Маҳмудова ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатнинг қисқача мазмуни қуйида келтирилади.

САВОЛ: — Сиз СССР Олий Совети депутатлигига қачон сайлангансиз?

ЖАВОБ: — Мен Гурлан районидаги Ленин номли колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлардим. Звеномиз пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта муваффақиятга эришди. Ҳамқишлоқларим менга юксак ишонч билдириб, СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. 1937 йил 12 декабрда мамлакат давлат ҳокимиятининг Олий органига депутат қилиб сайландим. 1938 йилда Ленин ордени билан, кейинги йилларда ники марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландим. 1946 йилдаги сайловда иккинчи марта СССР Олий Совети депутатлигига сайланиш бахтига мушарраф бўлдим.

САВОЛ: — Ўша йилларда қандай вазифаларда ишладингиз?

ЖАВОБ: — Аввал район ижроия комитетига, кейинчалик Хоразм область ижроия комитетига раис қилиб сайландим. 1942 йилда Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилдим. Бу вазифада 1946 йилгача ишладим. Ҳозир Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионерман. Эндиликда элга хизмат иштиёқи билан, жамоат ишларида қатнашиб, коммунистик қурилишга имконим борича ҳисса қўшиб келяпман.

ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Туркманистон ССРнинг Тошовуз зонасидаги районлар билан Хоразм области районлари чегарадош. Бир ариқдан сув ичадиган, бир-бирига туташ катта далаларда деҳқонлар елкама-елка меҳнат қилмоқдалар. Ўзаро ёрдам, маслаҳат ва тажриба алмашувлар она-Ватан учун «оқ олтин» хирмони уйиш да катта роль ўйнамоқда.

Бир неча характерли фактни мисолга келтирмоқчиман. Районимиздаги колхоз раислари, агрономлар Янгиариқ районида бўлиб, кузги-қишки ишларни ўтказиш соҳасидаги илғор тажрибалар билан танишдилар. Шунингдек, мусобақадош Шовот райони пахтакорлари билан тажриба алмашиб турдик. Долзарб кунларда ўтказилган ўзаро текширишлар ишимизга катта манфаат келтирди.

Қатор ирригация ва мелиорация иншоотларини, республикаларарО Каттақўл коллекторини Хоразм области билан биргаликда қурганлигимиз ерости сизот сувини кескин пасайтиришга, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга ёрдам берди.

Бизда канал етиштирадиган уч хўжалик, сабзавотчилик билан шуғулланадиган икки колхоз бор. «Москва», Крупская номли, Жданов номли колхозларнинг лубкорлари канал етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Бизга канал пўстлоғини ажратадиган машиналар етказиб бергани учун Узбекистон машинасозларидан миннатдормиз. Район колхозларида жамоат чорвачилиги ва бошқа тармоқлар ҳам равнақ топмоқда.

Қўлга киритилган ҳар бир ғалаба қардошларча дўстлигимиз самараси эканлигини, қудратимиз манбаи ана шу дўстликда эканлигини биз яхши тушунамиз. Халқлар дўстлигининг ижодкори Улуғ Ленининг 100 йиллик тўйини, Хоразм халқ революциясининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш, беш йиллигини муддатидан олдин бажариш — районимиз меҳнаткашларининг фикри зикри, олижаноб мақсадидир.

Ҳанифа ҚУРБОНОВА,
Туркманистон КП Тошовуз район комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Эрталаб бир пас
Боқдим дарчага.
Ухшарди атлас
Кийган арчага,
Билмам қаёқдан
Келган ҳаммаси,
Уйнар чироқда
Шоху-шаббаси,
Гули беҳисоб,
Ёпишдими зар,
Дейману, шу тоб
Кўзим қамашар...
Лекин иссиқда
Эриб кетди у.
Нақшин дилимга
Бериб кетди у.

Кичкинтойларга

ОШПАЗ

Мени энди кичик деманг,
Тантиқ, танноз, пучуқ деманг,
Сиз айтганча эмасман ҳеч,
Тантиқ бола бўлмасин ҳеч.
Ёқтирмайман таннозликни,
Кўп севаман ошпазликни.
Қозонингиз тоза турсин
Қопқоғини ёпиб қўйинг.
Ўтинингиз яхши ёнсин
Қаловини топиб қўйинг.
Ёғни доғлаб чучитингиз
Аммо ёниб кетмасин ҳеч.
Туз сепсангиз этар жиз-жиз
Билинг, вақти ўтмасин ҳеч,
Пиёзингиз куйиб қолса,
Таҳир бўлар ошингиз ҳам.
Ўртоғингиз танқид қилса,
Қуйи тушар бошингиз ҳам.
Қовурсангиз гўштни боплаб,
Паловингиз бўлар ширин.
Сабзи-пиёз етсин тобга
Унутманг ҳеч сувнинг сирин.
Кўп қуйсангиз шовла бўлар
Бўшашади гўё латта.
Кам қуйсангиз қотиб кетар
Ўхшамайди ош, албатта.

ИККИ

«Икки» сини ўчириб Адҳам
Кундаликда турмасин, дейди.
Ишдан келиб, кечқурун
дадам
Уни очиб кўрмасин, дейди.
Қалбаки иш этилганда фош
Афзал бўлар номусдан ўлим.
Отаси дер, беролмай
бардош:
— Бу ҳунаринг ярамас,
ўғлим...
Уқишда бўл тўғри сўз, илғор,
Алдаш ёмон, сен ундан
жиркан!
«Икки»ни-ку сўнгги дарс
ювар
Аммо ёлғон ювилмас
дилдан.

Наримон ОРИФЖОНОВ

ЮБИЛЕЙГА АТАБ

БЕЛГРАДДА В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилади. Югославия меҳнаткаш халқ социалистик иттифоқи Белград шаҳар конференциясининг ижроия комитети шундай қарор қабул қилди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини байрам қилиш программаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу программага мувофиқ Октябрь революциясининг доҳийсига бағишлаб виставкалар ташкил этиш, ишчилар ва халқ университетларида Ленин мавзуида бир қанча лекциялар ўтказиш кўзда тутилган.

В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб Гаванада очилган виставкада жаҳон пролетариатининг доҳийси ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва материаллар қўйилган. Куба меҳнаткашлари касаба союзи марказининг бош секретари Эктор Латур виставкани оча туриб бундай деди: В. И. Ленин образи дунёдаги эксплуатация қилинаётган ва жабрдийда халқларни доимо озодлик курашига илҳомлантиради.

„ЯПОНИЯ—СССР» жамияти В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб совет давлати асосчисининг нутқлари ёзилган грампластинка чиқаради.

Грампластинкаларга В. И. Лениннинг 1919—1920 йилларда сўзлаган нутқлари, шу жумладан «Совет ҳокимияти нима» ва «Меҳнат интизоми ҳақида» деган нутқлари ёзилади.

(ТАСС).

Ой: ТАНИШМИ, СИРЛИ?



ХЬЮСТОНДА Ойнинг табиатини ўрганишга бағишланган илмий конференция ниҳоясига етаётганда, олимлардан бири кулиб:

— Ойга саёҳат қилиб келишди. Энди олдимизда олдингидан ҳам кўпроқ вазифалар, муаммолар кўндаланг бўлиб қолди...— деди.

Олим ҳақ. «Аполлон-11» ва «Аполлон-12» экспедицияси кўп афсоналарнинг кулини кўкка совириш, тахминларга аниқлик киритиш билан бирга олимлар олдига янги-янги, кутилмаган муаммоларни қўйди.

Ойни ўрганиш жуда қадим замонларда бошланган. 1609 йилда Галилей махсус оптик асбоблар ёрдамида Ойдаги тоғларни кўриб ҳайратланган эди. Орадан 350 йил ўтгач инсон қўли бу тоғларни сийпалаб ўтгандек бўлди: «Луна-2» совет автоматик станцияси Ер йўлдошини бевосита ўрганишга йўл очиб берди. Шундан кейин мунажжимлар, геологлар, физик ва кимёгарлар, табиатшунослар фазокорларнинг бошига ҳадсиз-ҳисобсиз саволлар ёмғирини ёғдира бошлашди: Ойнинг магнит майдони борми? Агар фазокорнинг оғирлиги Ерда 80 килограмм бўлса у Ойга қадам қўйганда оёғи Ойнинг тупроғига қанча ботиб кетаркин?...

Бизнинг «Ой» автомат станцияларимиз ва «Зонд» Ой жумбоқларининг кўпига жавоб топиб берди. Американинг «Сервейор» ва «Лунар-орбитер»лари ҳам программасини бажарди.

Машҳур совет «Ой-9» автомати 1966 йилнинг февралида бизга «Асримиз сурати» — Ойнинг ўзида туриб олинган Ой суратини юборди. Биз унда ҳар хил ҳажмдаги тошлар дўппайиб ётган водийни кўрдик. Олимлар эса бу суратдан бизларга нисбатан анча кўп нарсаларни кўрдилар ва янада кўпрок кўришни истаб қолдилар. Автоматлар Ойга кетма-кет учиб, юмшоқ қўндирилиб, тажрибалар давом эттирила бошлади. Маълумотлар тадқиқ қилина бошлади. Ойнинг қобиғида иссиқлик бормикин, Ой вулқонлардан пайдо бўлмаганмикин, каби саволлар туғила бошлади. Шу пайт Калифорнияда суратларга қараб Ой тупроғининг қатлами ўрганила бошланди. Ой тупроғининг қалинлиги 30 сантиметрдан 6 метргачадир, деган қарорга келинди. Ой тупроғининг таркиби ҳам кўп жиҳатдан Ер тупроғининг таркибига ўхшаб кетади, дейилди.

Бу маълумот ва хулосаларга ишонувчилар ҳам, ишонмовчилар ҳам кўп. Катта олимлар хулосалари пуч чиқиб, бебурд бўлиб қолмаслик учун «гапирган кумуш бўлса, индамаган— олтин» қабилида лом-мим демадилар. Хэнфорд атом маркази кимё радиологияси бўлимининг директори доктор Р. Перкинс 1968 йилнинг июль ойида бундай деб ёзди: «Ой тупроғининг таркиби аниқ маълум бўлгандагина, қанақа ва қанча миқдордаги жинслар қандай чуқурликда жойлашгани равшан бўлгандагина Ойнинг пайдо бўлиши ва тарихи сирларини ўрганиш мумкин бўлади».

Шу сабабли Ойдан келтириладиган «совға»ни фақат доктор Р. Перкинс эмас, 21 университет, икки саноат фирмаси, учта хусусий корхона, АҚШнинг мамлакатдан ташқаридаги илмий марказларидан ташқари, ҳукуматнинг ўнта лабораторияси ҳам бу совғани сабрсизлик билан кутаётган эди.

Ойга икки экспедиция чиқиб, Ойнинг тупроқ ва тошларидан намуналарни Ерга олиб келди ҳам. Машаққатли тадқиқот ишлари бошланди. Ниҳоят, январь ойида Хьюстонда ўтказилган конференцияга 112 олим доклад тайёрлаб келишди. Хўш, «Аполлон-11» бизга Ой ҳақида қандай янги маълумотлар берди?

Биринчи, энг муҳим хулоса шундан иборатки, Ойдан биорор-бир органик бирикма, организм ҳаётининг излари топилмаган. Ойдаги янги бир жонзорни кўрармиз деган умидларимиз сўнди.

Ойдан олинган кўп ҳажмдаги хром, титан, цирконий, Ой Ер ташкил топган жинслардан ташкил топган, дейишимизга асос бўла олмайди.

Фазокорларга Ойдаги тош ва тупроқ Ердаги эриб кул бўлган шлакка ўхшаб кўринган. Бу Ойнинг тарихига бевосита боғлик масаладир. Афсуски, Хьюстонда тўпланган олимлар бу масалада ҳам аниқ бир фикрга келолмадилар. «Аполлон-12» қўнган жойдаги жинслар 2,6—3,6 миллиард йил аввал эригани аниқланди. Лекин қандай қилиб, ниманинг таъсирида эриганлиги ҳали жумбоқ.

Одамлар ой тўғрисида анча нарсаларни билиб олдилар. Лекин ҳали билмаган нарсаларимиз ундан ҳам кўпроқдир. Магелланнинг дунё бўйлаб қилган саёҳати Ер куррасини ўрганишда биринчи қадам бўлган эди. Амстронг, Конрад ва уларнинг ўртоқларининг юлдузлар оламида сузиши ҳам Ойни кашф этиш соҳасида қилинадиган саёҳатларнинг дебочасидир. Ҳозирча бизга Ой сирларининг ярми равшан бўлса, ярми қоронғу бўлиб турибди. Инсон Ойнинг «қоронғу» ярмини ҳам ақл-заковат нури билан ёритиб, ўрганишига ишончимиз комил.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА Г. ГУСАК ДОКЛАДИ

ПРАГА, 30 январь. (ТАСС). Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак ЧКП Марказий Комитетининг пленумида «ЧКП Марказий Комитети Президиумининг фаолияти, партия билетларини алмаштириш муносабати билан партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш ва жанговарлик қобилиятини ошириш масалалари тўғрисида» доклад қилди. У ўз докладида қуйидагиларни айтди: Чехословакиянинг партия ва жамоат ташкилотларида, давлатда аҳволни мустаҳкамлаш, соғломлаштириш жараёни муваффақиятли давом этмоқда. Иқтисодий соҳада ҳам шу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди, деди докладчи. Ишлаш учун, етилган проблемаларни ҳал қилиш учун ғоят зарур бўлган осойишталик бутун давлат миқёсида тикланди.

Биз, деди сўзини давом эттириб Г. Гусак, партия ва жамиятдаги антисоциалистик ва ўнг кучларга қарши олиб борилган сиёсий курашда ана шу ижобий натижаларга ва дастлабки муваффақиятларга эришдик. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, партия ва жамиятни мушкул аҳволга солиб қўйиб, сўнгра лойқа сувда балиқ овлаш ва ўз мақсадларига эришиш пайига тушиб олган қўпорувчи кучлар блокига қарши ўтган давр ичида олиб борилган катта сиёсий курашда биз ютиб чиқдик. Ана шу қўпорувчи кучлар Чехословакия Компартиясини ичкаридан емиришга, партия билан халқнинг 25 йиллик ишидаги ҳамма ижобий натижаларни бадном қилишга уриндилар. Улар асосий социалистик идеалларни қораладилар, жамиятни сиёсий тартибсизлик ва анархияга дучор қилмоқчи бўлдилар. Бундай аҳвол муайян шароитларда гражданлар уруши чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигини айрим белгилар кўрсатиб турибди. Бу кучлар ҳамма иқтисодий қийинчиликларни мушкуллаштиришга, иқтисодий тангликка, ошкора инфляцияга сабаб бўлдилар. Улар бизнинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа дўст социалистик давлатлар билан иттифоқчилик алоқаларимизни бузишга ҳаракат қилдилар.

Бугун биз шуни қайд эта оламизки, мамлакатимиздаги бу кучлар сиёсий жиҳатдан тор-мор келтирилди, улар ошкора, қонуний сиёсий фаолиятдан суриб чиқарилди. Бу — катта сиёсий муваффақият эканлиги, бу — партия, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари бундан буён нормал ижодий ишлашининг шарти эканлиги табиийдир. Ўз-ўзидан равшанки, бу гапдан мазкур кучлар йўқ бўлиб кетди, улар бошқа методлар билан ҳаракат қилмайдилар, деган маъно келиб чиқмайди. Улар ҳали ҳам ваҳима, тушкунлик кайфиятларини тарқатиб келмоқдалар, ўзларининг партиядаги позицияларини сақлаб қолишни истайдилар.

Ўнг, антисоциалистик кучлар блокининг мағлубияти— ўтган тўққиз ой мобайнида партия ва барча софдил кишилар қилган ишларнинг асосий натижаси бўлди, деди сўнгра Г. Гусак. Бу эса, асосий проблемаларни ҳал этиш йўлида бунёдкорлик меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Ғарб пропагандаси ва чет элларга қочиб қолган кимсалар, деди докладчи, сиёсий судлар тайёрланмоқда, зиёлиларга ҳужум қилинмоқда, деган ва шу каби миш-мишларни тинимсиз тарқатмоқдалар. Улар ишончсизлик кайфиятини авж олдиришга ва мамлакатда гўё қандайдир ўта консерватив кучлар бор, шу кучлар бизга, менга тазйиқ ўтказмоқда, полиция режими ёки террор бошлашга ҳаракат қилмоқда, деган тасаввур туғдиришга уринмоқдалар. Партия раҳбарлигида ҳам, Марказий Комитетда ҳам, 50-йилларга қайтишга, қонунларни бузишга интилувчи кучлар йўқ эканлиги Марказий Комитетга жуда яхши маълум. Биз сиёсий партия бўлганлигимиз учун ҳам, аввало, сиёсий методлар билан ҳаракат қилмоқчимиз, қонунлар қасддан бузилган ҳоллардагина биз маъмурий чораларни кўрамиз. Шу билан бирга, биз душман пропагандаси бизга қарши ҳаракат қилаётганлигини, ташқаридан туриб ҳаракат қилаётганлигини мамлакат ичкарисидаги айрим кишилар ҳам бундай қарашларга қўшилишини доимо эсда тутишимиз лозим. Шу сабабли, деб таъкидлади Г. Гусак, бизнинг пропагандамиз, агитациямиз, бизнинг сиёсий ишимиз ҳужумкор бўлиши керак. Биз айниқса ҳозир, мамлакатимиз озод қилинганига 25 йил тўлган бир вақтда ана шу 25 йил мобайнида қилинган ҳамма ижобий ишларни халқ онгида қайтадан тиклашимиз зарур. Ана шу 25 йил учун ва эришилган натижалар учун уялишимизга ҳеч бир асос йўқ.

Партияда Марказий Комитет сиёсатини батамом қўллаб-қувватловчи кенг партия активи таркиб топди. Ҳамма соҳаларда партиянинг раҳбарлик роли аста-секин амалга оширилмоқда. Бу ишда ҳали кўп камчиликлар борлигини биламиз, лекин шунга қарамай, эришилган муваффақиятлар партиянинг бундан буёнги иши учун мустаҳкам негиз яратади.

Партия президиуми, деди сўнгра Г. Гусак, ёшлар ҳаракатини бирлаштириш, ёшларнинг ягона йирик оммавий ихтиёрий ташкилотини вужудга келтириб, ёш авлодга партия таъсирини ана шу ташкилот орқали ўтказиш тенденциясини қўллаб-қувватлайди.

Шундан кейин Г. Гусак Чехословакиянинг федератив тузилиши масалаларига ўтиб, унинг энг асосий принциплари ўзини батамом оқлади ва тўғри бўлиб чиқди, деб таъкидлади. Федератив тузилиш чехлар билан словаклар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамламоқ учун шарт-шароит яратиб беради. Сиёсий жиҳатдан олганда, федератив тузилишни амалга оширишда халқларимизни бирлаштириб турган, Чехословакия давлатини мустаҳкамлайдиган нарсаларни биринчи ўринга қўйиш зарур.

Докладчи шуни айтдики, асосий масалалар хусусида келишиб олиш билангина кифояланмай, қарорлар ҳам қабул қилинадиган бўлмоғи учун муайян бир босқичда федерал марказни ва федерал органларни мустаҳкамлаш зарурлигини тажриба кўрсатди. Биз Чехословакия давлатининг мустаҳкам ва яхлит бўлишини истаймиз. Ягона Марказий Комитет раҳбарлик қиладиган, ягона программа ва мақсадларга эга бўлган ягона партия бўлмиш Чехословакия Компартияси, аввало, бирлаштирувчи куч ролини ўйнайди.

Биз, деди Г. Гусак, ташқи сиёсат масалаларида Марказий Комитет 1969 йил апрелидан амалга ошира бошлаган сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келдик. Ҳозир биз шуни айта оламизки, ЧКП билан КПСС ва бошқа қардош партиялар ўртасида, ЧССР билан қардош мамлакатлар ўртасида ҳукм суриб келган ҳамма англашилмовчиликлар бартараф этилди. Ишонч ва дўстлик вазияти вужудга келтирилди. Партия-давлат делегациямизнинг Совет Иттифоқига қилган визити, делегация сафарининг натижалари. Чехословакия — Совет қўшма баёноти буни яққол кўрсатиб турибди. Бошқа қардош партияларнинг вакиллари билан бўлган учрашувлар буни кўрсатиб турибди. Биз ЧКП халқаро коммунистик ҳаракатдаги яккаланишга барҳам берди, у халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг мустаҳкам таркибий қисми бўлиб қолди, бизнинг давлатимиз ҳозир социалистик мамлакатлар билан бўлган иттифоқчилик алоқаларини, қардошлик муносабатларини батамом тиклаб олди, деб айта оламиз.

Биз 1970 йилни Чехословакияни мустаҳкамлаш йили деб атаймиз. Биз чехословак гражданларининг яшаши ва ишлаши учун мустаҳкам, пухта негиз яратишимиз, улар учун истиқбол очиб беришимиз лозим. Тўғри, айрим соҳаларда, масалан, экономикада бу вазифаларни 1970 йилнинг охиригача ҳал этишнинг иложи йўқ, лекин бу соҳада ҳам анча дуруст натижаларга эришса бўлади. Биз 1971 йилда партия съездини чақириш, сўнгра умумий сайлов ўтказиш мумкин бўлсин учун ана шуларни қилишимиз лозим.

Бу йил ҳам мустаҳкамлаш жараёнида партиямиз, унинг ҳамма органлари асосий омил бўлади. Биз партиянинг бирлигига, унинг сафларини тозалашга эришмоқчимиз, унинг жанговарлик ва ишчанлик қобилиятини тиклашга, партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини тиклашга эришмоқчимиз. Партия билетларини алмаштириш ҳам ана шу асосий мақсадга хизмат қилиши керак.

Марказий Комитетнинг барча коммунистларга аталган мактуби лойиҳаси ва партия билетларини алмаштиришга асос қилиб олиниши мумкин бўлган ташкилий-сиёсий директивалар лойиҳаси пленумга тақдим этилган.

Директиваларда, биз софдил кишиларни четлаштирмаслигимиз керак, лекин партияда душманларга ўрин йўқ, деган қоида кўзда тутилади.

Партия билетларини алмаштиришда ана шу кампанияни ўтказувчи ходимлар пухта ўйлаб, сабр-тоқат ва фидокорлик билан ҳаракат қилишлари зарур. Шундай қилингандагина бу кампания яхши самаралар бериши мумкин.

Г. Гусак шуни таъкидладики, партия органлари ва ташкилотлари иқтисодий масалаларга анча кўп эътибор беришлари керак. Ҳар қанча қийинчиликларни бошдан кечираётган бўлсак ҳам, Чехословакия экономикаси — ривожланган ва соғлом экономикадир, деди у. Тўғри раҳбарлик ва ташкилотчилик қилинса, у анча кўп самара бера олади. Гарчи биз айрим масалаларни бир ёки икки йил ичида ҳал қила олмасак ҳам, лекин катта натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятлар бор. Иқтисодий вазифаларни биз партиянинг иккинчи программаси деб биламиз. Экономикамиздаги масъулиятсизликка қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, чайқовчиликка, ишга чиқмасликка, интизомсизликка, жамоат мулкини талон-торож қилишга қарши курашмоқ зарур.

Одамларнинг жуда кўпчилиги ҳалол ишламоқда ва виждонан ишлашни, ҳалол яшашни истайди. Турли юлғичлар ва товламачиларга нисбатан бундай кишилар ноқулай аҳволга тушиб қолмоқдалар. Биз софдил кишилардан иборат катта кўпчилик манфаатларини кўзлаб иш тутишимиз, уларни қадрлашимиз, намуна қилиб кўрсатишимиз ва қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Мамлакатда давлат ва хўжалик органларининг ролини, касаба союзларининг ролини ошириш лозим, деди сўнгра Г. Гусак.

Келгусидаги ишда биз тамомила ишчилар синфининг қўллаб-қувватлашига умид боғлаймиз. Бизнинг социалистик ривожимизда ишчилар синфи тарихий роль ўйнади, оғир шароитларда социалистик ғояларнинг ғалабаси учун курашди. Ишчилар синфи 1948 йил февралида асосий раҳбар куч бўлди. Биз ўзимизнинг сиёсий ва иқтисодий вазифаларимизни ҳал этишда бундан буён ҳам ишчилар синфининг мададига умидвор бўлаверамиз.

Биз кооператив деҳқонларимизга, давлат хўжалик ларининг ходимларига ҳам мурожаат қилиб, уларни план топшириқларини бажаришга, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга даъват этамиз.

Пировардида Г. Гусак қуйидагиларни яна бир бор таъкидлади: бу йил жамиятни жипслаштириш жараёнини туғаллаш, партияни мустаҳкамлаш, кўпчилик ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни партиянинг социализм қуришдан иборат ижобий программаси теварагига жипслаштириш лозим. Ана шу энг асосий проблемаларни ҳал этмоқ учун бизда етарли куч бор, деб таъкидлади докладчи. Гарчи келгусида қийин вазифаларни ҳал этиш, кўп ишлаш ва куч-ғайрат сарфлаш лозим эканлигини билган ҳолда, 1970 йилга ишонч ва умид билан қараймиз. Биз оқибат натижада муваффақият қозонишимизга ғоят аминмиз.

Бу йил, деб эслатиб ўтди ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, биз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини байрам қиламиз, Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилиниб, Чехословакия давлати қайта тикланганлигининг 25 йиллигини нишонлаймиз.

Г. Гусак партия, барча меҳнаткашлар социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиради. Биз, дейди у, энг инсонпарвар, энг тараққийпарвар жамият бўлган социалистик жамият барпо этиш учун курашмоқдамиз. Бундай мақсадга эришмоқ учун курашса арзийди!

ФЕВРАЛДА ОБ-ҲАВО

Бу йил қиш Урта Осиё республикаларига хос келди, ҳаво тез-тез ўзгариб, вақти-вақти билан қор, ёмғир ёғди. Қисқа муддатли совуқлар илиқ ҳаво билан алмашиб турди. Ҳарорат 10-15, республиканинг жанубида барометр симоби 10—20 даражагача кўтарилди.

Февраль ойида ҳам республиканинг ҳамма жойларида ҳаво иссиқ келади, ойнинг биринчи ярми ва бешинчи беш кунлигида тез-тез ёғингарчилик бўлиб, вақти-вақти билан туман тушади. Уртача ойлик ҳарорат 0—9, яъни нормадан 3 даража ортиқ бўлади.

Республика районларида намгарчилик миқдори ҳар хил бўлиб, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области ва Бухоро областининг яйлов жойларида, Фарғона водийсида намгарчилик камроқ — 15—40 миллиметр миқдорида, айрим жойларда 40—100 миллиметрга боради. Республиканинг қолган районларида ёғингарчилик нормадан ортиқ бўлиши кутилади.

Ҳавонинг бундай иссиқ келишига қарамай, февралнинг иккинчи ва тўртинчи беш кунлигида вақти-вақти билан совуқ тушади. 3—7, республиканинг шимолий районларида 10 даражагача совуқ, кундузи 0—5 атрофида иссиқ бўлади. Ойнинг бешинчи беш кунлигида аввал 2—7, кундузи 10—15 даражагача, кейинчалик эса ҳарорат 5—10, 15—20 даражагача кўтарилади.

А. АВАНЕСОВА,
Тошкент узоқ муддатли об-ҳаво бюросининг бошлиғи.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт, 7.45 — «Катталарга — болалар ҳақида». 8.25 — Эстрада концерти, 9.30 — Шарқ куйлари, 10.10 — «ТАБАССУМ» радиожурнали, 11.35 — Классик шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва). 13.30 — «Хатларингизни ўқиб» деган концерт. 15.10 — Халқ талантлари концерти, 17.40— Экран янгиликлари, 18.00 — «Музикали глобус» 18.40 — А. Холминов. «Бўрон болалари» симфоник поэмаси, 19.20 — Ўрта Осиё республикалари санъат усталарининг концерти, 20.00 — «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси, 21.00 — «Мамлакат ва қитъаларда», 21.10 — «Қишлоқ оқшоми». Музикали адабий композиция, 22.20 — «ТАБАССУМ» радиожурнали. Такрорий эшиттириш, 23.20 — «Дам олиш соатида» деган концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Тошкент кўрсатади, 10.00 — Физкультура билан шуғулланинг, 10.20 — «Колокольчик» клуби.

Узбек тилида. 11.00 — «Ботир бола ҳақида эртак». Кинофильм. 12.15 — Цирк томошалари. 12.55 — «Чапай шунқорлари» (бадиий фильм).

Рус тилида: 17.00 — «Ҳазина изловчилар» (мультфильм) 17.10— «АХБОРОТ», 17.40 — Буни ҳар ким билиши керак, 18.10 — «Якма-якка» (бадиий фильм).

19.50 «Мафтункор соҳилларда». Телефильм. 20.10 — Реклама.

Узбек тилида: 2020 — «Никитинлар оиласи». Хужжатли фильм. 20.40 — «ЭКРАН ХАНДАСИ» (такрорий кўрсатув), 20.20 — «АХБОРОТ», 21.50 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар. АКМАЛ ПУЛАТ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — Тошкент. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 1/II да Евгений Онегин, (кундузи), Севги тумори (кечқурун, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да Олтинчи июль (кундузи), Анжонларим (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да Кумуш тўй (кундузи), Мавоий Астрободда. (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да Учинчи орзу.

КИНО

Махфий миссия — СПУТНИК (жуфт соатларда). «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Николай Сличенко — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Гўзал маликам (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2.15, 5.50, кеч 8.30 минутларда). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.30, кундуз 2.40, 5.45, кеч 8.45 минутларда).

Севишганлар — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10, 12,15 минутларда), «ЎЗБЕКИСТОН» кундуз ва кечқурун).

Экваторлик йўловчи (эрталаб соат 11, кундуз 1 да), Анжелика — фаришталар маликаси (кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да, 2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Сангам (ўзбек тилида, кундуз соат 4 яримда, 3 серия) — Тилла зирак (ўзбек тилида, кундуз соат 2, кеч 8.20 минутда) — НАВОИЙ номли.

Дўзах остонасида — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Фантомас (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
3—4 ФЕВРАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати ТАМАРАХОНИМ
СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Галия ИЗМАЙЛОВА
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғулом АБДУРАҲМОНОВ, Қундуз МИРКАРИМОВА, Клара ЮСУПОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Камтар ОТАБОЕВ, Вилоят ОҚИЛОВА, Мирза ТОҲИРОВ;
Солистлар: Алижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Анвар РУСТАМОВ Ҳайрулла ЛУТФИЛЛАЕВ, Манзура МУМИНОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Баҳодир ЗИЁМУҲАМЕДОВ;
ТУХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИ
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри —Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САИД АЛИЕВ
Дирижёр — Аббос БАҲРОМОВ.
УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
Программани — ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
2 февралда
АБОНЕМЕНТ № 5
(шаҳар студентлари учун)
ИККИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ
Ўзбек композиторларининг қўшиқ, романс ва чолғу асбоблари учун яратган асарлари ҳақида суҳбат.
ЛЕКТОР — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос Товур ЖУМАЕВ.
Қатнашадилар:
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг ТУХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИ
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саид АЛИЕВ.
ДИРИЖЁР — Аббос БАҲРОМОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғулом АБДУРАҲМОНОВ, Шаҳодат РАҲИМОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Баҳром МАВЛОНОВ, Мирза ТОҲИРОВ;
СОЛИСТЛАР: Сора ШУКУРОВА, Анвар РУСТАМОВ, Манзура МУМИНОВА, Анвар НАЗАРХОНОВ.
Концерт-лекция кеч соат 8 да бошланади.
Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
(В. И. Ленин майдони, 5 уй)
2 февралда
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг 10 йиллик
ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ
БАДИИЙ РАҲБАР — СССР халқ артисткаси.
Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА
ПРОГРАММАДА:
тантанали қисм, табриклар, барча қатнашувчи коллективдан танлаб олинган юбилей программа.
Таклифномалар билан киритилади.
Кеч соат 8да бошланади.
Қолган билетлар «Баҳор» концерт зали кассасида сотилади.

«ТАШОБЛСЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА
бульдозерчилар, экскаваторчилар, автогрейдерчилар, автокранчилар, пневматик кранга кранчилар, слесар-тузатувчилар, аккумуляторчилар, темирчи, дизель ва карбюратор двигателлари мотористлари, газ-электр пайвандчилари, электрчилар, йиғма темир-бетон ва металл конструкцияси монтажи бўйича монтажчилар
ҚЕРАК
Иш кўчма характерда бўлганлиги учун асосий иш ҳақига 30% коэффициент қўшиб берилади.
Ишга ва ишдан қайтишда бошқарма транспорти хизмат кўрсатади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Янгийўл район, Новомихайловка қишлоғи.

«СРЕДАЗНИИГАЗ»га
бухгалтер
ҚЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент-115. Муқимий кўчаси, 98 уй (9, 11 трамвай, 6, 9, 11, 13 троллейбус ва 2, 3, 6, 23, 24, 26, 54, автобусларнинг «Пионерская» бекати). Телефон 77-12-15.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон -48—85, Бухоро 3—31—42, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус -42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27. Фарғона 41—88, Урганч 34—55, Гулистон — 22—09.

№ Г — 26. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Р. 01193.